

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*

*УДК:93/370/15*

ОХУНЖОНОВА ШАХОДАТ ЮСУБЖОН ҚИЗИНИНГ

“ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ОҒЗАКИ ТАРИХ  
МАТЕРИАЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ”

мавзусидаги

5А 120301 – ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ мутахасислиги бўйича магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар:

тарих фанлари номзоди

С.Т.МИРСОАТОВА

ФАРҒОНА – 2017

## МУНДАРИЖА

|   |              |
|---|--------------|
| <b>Кириш.....</b>   | <b>3-7</b>   |
| <b>1. боб. Оғзаки тарихнинг вужудга келиши ва ривожланиши.....</b>        | <b>8-30</b>  |
| 1.1. “Оғзаки тарих” тушунчаси ва унинг шаклланиши.....                    | 8-15         |
| 1.2. Оғзаки тарих тадқиқотларига доир хориж тажрибаси .....               | 16-25        |
| 1.3. Оғзаки тарих тадқиқотларига доир Ўзбекистон тажрибаси .....          | 25-30        |
| <b>2 боб. Оғзаки тарих материалларини таҳлил қилиш ва фойдаланиш.....</b> | <b>31-52</b> |
| 2.1. Оғзаки тарих материалларини тўплаш, ёзма ҳолга келтириш .....        | 31-37        |
| 2.2. Оғзаки тарих материалларини таҳлил қилиш усуллари.....               | 37-44        |
| 2.3. Оғзаки тарих материаллари тарихий манба сифатида.....                | 44-52        |
| <b>3 боб. Оғзаки тарих методи асосида тадқиқот олиб бориш.....</b>        | <b>53-67</b> |
| 3.1. Оғзаки тарих бўйича тадқиқотларнинг амалий босқичи.....              | 53-61        |
| 3.2. Оғзаки тарих бўйича тадқиқотлар ўтказиш (шахсий тажриба асосида..... | 62-67        |
| <b>Хулоса.....</b>  | <b>68-72</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>                              | <b>74-77</b> |
| <b>Иловалар.....</b>  | <b>78-80</b> |

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг Ватан тарихини ўрганиш ва тадқиқ этиш, ўзликни англашга қизиқиш ортди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилиқ тарихида кўп бора ўз исботини топган”<sup>1</sup>.

Шубҳасиз, тарих шоҳидлиги шахс камолоти учун сабоқ бўлиб, инсонга тегишли таълим-тарбия беради. Тарих сабоқлари эса халқни ўз озодлиги ҳамда истиқлолини кўз қорачиғидек асрашга, унинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етишга ундайди.

XXI асрга келиб собиқ совет ҳукмронлиги йилларида коммунистик мафкура тазйиқи билан сохталаштирилган тарихни қайта ўрганиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Зотан, ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас<sup>2</sup>. Ўз навбатида ҳаққоний тарихни ўрганиш ва тарихий меросни тиклашда инсон тарихий хотирасининг ўзига хос ўрни бор. Тарихий хотира бу – ҳаёт мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш демакдир<sup>3</sup>.

Шу ўринда айтиш лозимки, тарихий жараёнлар, воқеа-ҳодисаларни ҳар томонлама холис ўрганишда илмий тадқиқот услубларининг пухта ва серқирра бўлиши ниҳоятда аҳамиятли ҳисобланади. Шу сабабдан илмий тадқиқот усулларини такомиллаштириш, янгиларини ўзлаштиришга илм-фанда ҳамиша эҳтиёж сезилади. Зеро, илм-фан метод ва методологияда эришилган ютуқлар асосида юксалиб боради.

Бизнинг вазифамиз - тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделимизни қатъий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият- энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 4.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 29.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили Буюк келажакимизнинг гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 18.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 29.

амалга оширишдан иборат. Шу борада яқин ва ўрта муддатга белгиланган марраларга эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилишимиз зарур<sup>1</sup>.

Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши билан хорижий мамлакатлар билан илмий-тадқиқотчилик соҳаларида ҳам ўзаро тажрибалар алмашинмоқда. Бу ўз навбатида жаҳон тажрибасидаги тадқиқот услублари билан танишиш имконини бермоқда. Мана шундай тарихий тадқиқот йўналишларидан бири “оғзаки тарих” усули бўлиб, адабиётларда инглиз тилидаги “орал ҳисторй” атамаси билан номланади.

“Оғзаки тарих”, яъни “oral history” тарихчи Сигурд Шмидтнинг таъкидлашича: “бирор бир ҳодисани қатнашчиси ёки гувоҳининг оғзаки берган маълумотларини мутахассислар томонидан қайд этилишининг илмий ташкилий амалиётидир”<sup>2</sup>. Яъни бирор-бир тарихий жараённинг бевосита иштирокчисининг оғзаки баённи мутахассис томонидан илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, маълум кўринишга олиб келиши демакдир.

Мазкур усул тарих тўғрисида қўшимча тасаввурларни шакллантириш, ўтмишдаги воқеа-ҳодисалар ва уларнинг ишончлилик даражасини чуқур тушуниш учун қўшимча имконият бериши<sup>3</sup>, ёзма манбалар асосида тўпланган маълумотларни тўлдириш ҳамда ўрганилаётган мавзуга танқидий баҳо бера олиш хусусияти билан самарадор саналиб, ҳозирда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида асосий тадқиқот йўналишлари қаторидан жой олиб улгурди.

Бугунги кунда оғзаки тарих усули жаҳоннинг турли мамлакатларида мустақил тадқиқот йўналиши сифатида қўлланилмоқда. Ўзбекистонда мазкур усулни муомалага кириб келганига кўп бўлмагани ҳамда назарий ва амалий жиҳатдан яхши ўрганилмаганидан келиб чиқиб, оғзаки тарих

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / - Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016. Б-22.

<sup>2</sup> Азимбаев М. С. Тарихни ўрганишда “оғзаки тарих” (Oral history) услуги // ЎзМУ хабарлари. 2013. Махсус сон. – Б. 17.

<sup>3</sup> Сабиров А. Музей кўргазма воситаларини жонли идрок этишда “oral history” ва бошқа тарихий тадқиқот услубларининг аҳамияти (Ўзбекистон Республикаси ФА Қатагон қурбонлари хотираси музейи тажрибасида). // Тарих ва ўзликни англаш : Ўзбекистон ва Германия: 1919, 1929, 1939, 1949, 1979, 1989, 2009. – Т.: ФАН. 2009. – Б. 45-54.

методининг шаклланиши, унинг назарий ва амалий масалаларини кенгроқ ёритиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг даврий чегараси.** Ўрганилаётган мавзу хронологик жиҳатдан XX аср ўрталаридан то бугунги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу ўз навбатида XX аср ўрталарида АҚШда, кейинроқ эса бошқа мамлакатларда оғзаки тарих соҳасида олиб борилган тадқиқотлар билан изоҳланади.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Мавзуга оид тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатди-ки, оғзаки тарих методининг шаклланиши, унинг назарий ва амалий масалаларига оид илк мукамал тадқиқот Пол Томпсон<sup>1</sup> қаламига мансуб бўлиб, унда оғзаки тарихнинг назарий масалалари, янги тадқиқот методи сифатидаги ўрни, тарихчиларнинг оғзаки маълумотларга муносабатлари, оғзаки манбаларнинг ишончилиги масалалари, амалий томондан оғзаки тарихнинг муаммоларини, яъни интервью асосида олинган материалларни тўплаш, таҳлил этиш ва архивлаш масалаларини ҳар томонлама кенг таҳлил этилган.

Россияда оғзаки тарихнинг назарий масалаларини ўзида акс эттирган дастлабки номзодлик иши Д.Н. Хубова<sup>2</sup> томонидан ҳимоя қилинган бўлиб, тадқиқотчи ўзининг номзодлик иши ва унинг асосида нашр этган оғзаки тарихга бағишланган монографиясида оғзаки тарих усулининг бир қанча назарий ва амалий жиҳатларини ёритишга уринади. Хусусан, оғзаки манбаларни хужжатлаштиришнинг техник муаммоларига тўхталиб, респондентларни танлаш, оғзаки хужжатларни транскрибациясини амалга ошириш ва уларни илмий муомилада ишлатиш масалаларига тўхталиб ўтган. Шу билан бирга оғзаки тарих атамасининг келиб чиқиши, мазкур

---

<sup>1</sup> Thompson P. The Voice of the Past. N.Y.: Oxford University Press., 1988; Томпсон П. Голос прошлого. Устная история. / Пер. с англ. – М.: «Весь Мир», 2003.

<sup>2</sup> Хубова Д.Н. Устная история и архивы: зарубежные концепции и опыт.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. М., 1992; «Устная история» и источниковедение: историческое интервью, инициативное документирование или «фабрикация» исторического источника? // Источниковедение XX столетия: Тез. докл. и сообщ. науч. конф. - М.: РГГУ ИАИ, 1993; «Устная история» и источниковедение: «В поисках утраченного времени» // Мир источниковедения: Сборник в честь Сигурда Оттовича Шмидта. - М.: РГГУ; Пенза, 1994; Устная история. «Verba Volant.?»). Методическое пособие. - М.: РГГУ, 1997.

методни шаклланишини АҚШ, Буюк Британия ва Франция мисолида кўриб ўтади.

Оғзаки тарихга оид яна бир номзодлик иши тадқиқотчи М.В. Мокрова<sup>1</sup> томонидан яратилган бўлиб, унда “оғзаки тарих” атамасини таҳлили, техник воситаларнинг ривожланишини оғзаки тарихга таъсири, фанлараро алоқаси, оғзаки тарихий-тадқиқот олиб бориш усуллари каби масалаларини ёритган.

Фундаментал тадқиқот ишларидан бири профессор Т.К.Щеглова<sup>2</sup> каламига мансуб бўлиб, мазкур тадқиқот ишида оғзаки тарих методининг назарий ва амалий масалалари атрофлича ёритиб берилиш билан биргаликда, унда, оғзаки тарих методи асосида тузилган мавзубоп саволлар ва сўровномаларни ўқувчиларга ҳавола этилган.

Мустақиллик йилларида юртимизда оғзаки тарихга доир фундаментал илк тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти қошида ташкил этилган “Оғзаки тарих” маркази раҳбари Алишер Собиров томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда акс этган бўлиб, унда оғзаки тарих йўналишининг шаклланиши, оғзаки-тарихий тадқиқот олиб бориш усуллари, оғзаки манбаларни транскрибациялаш, архивлаш ва илмий муомалага киритиш масалалари ёритилган.

**Диссертация ишининг мақсад ва вазифалари.** Оғзаки тарих методига оид илмий тадқиқотларни ўрганиш, умумлаштириш асосида, мазкур янги методнинг тарихни ўрганишдаги тутган ўрни, аҳамияти ҳамда тадқиқот олиб бориш усуллари ёритишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, ишда қуйидаги асосий вазифалар белгилаб олинди:

- оғзаки тарих услубининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини ёритиш;
- оғзаки тарих методининг манбавий аҳамиятини аниқлаш;
- оғзаки тарихга оид тадқиқотларни таҳлил этиш;

---

<sup>1</sup> Мокрова М.В. Устная история науки: от историографических традиций к комплексному источниковедению.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - М., 2004.

<sup>2</sup> Щеглова Т.К. Устная история. (учебное пособие). – Барнаул, 2010.

- оғзаки тарих методи асосида тарихий-тадқиқот олиб бориш усул ва услубларини кўрсатиб бериш.

**Тадқиқотнинг манбавий асоси.** Оғзаки тарих методидан фойдаланилган ҳолда илмий тадқиқот олиб бориб ва шу асосида ёзилган монографиялар, ўқув қўлланмалар, илмий мақолалар ва интервьюлар малакавий битирув ишининг манбавий асосини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот объектини танланиши ва уни атрофлича ёритиб бериш ишнинг илмий янгилигини ташкил этади. Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, унда оғзаки тарих методининг назарий жиҳатларини ёритиш билан бирга, мазкур метод асосида тадқиқот олиб боришнинг амалий томонлари ҳам кўрсатиб ўтилган.

**Тадқиқотнинг назарий – услубий асослари.** Тадқиқотнинг назарий услубий асосларини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарларида баён қилинган холислик, тарихий хотира, ҳаққоний тарихни ёритиш<sup>1</sup> каби тамойиллари муҳим аҳамият касб этди. Тадқиқотнинг назарий асоси сифатида Ўзбекистон тарихи фанининг ривожланишини асосий услубий йўналишлари ифодаланган “Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи” концепсиясига<sup>2</sup> ва оғзаки тарихнинг назарий ва амалий масалаларини ёритувчи тадқиқотларга мурожат этилди.

**Диссертация ишининг тузилиши:** кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ., 1998.

<sup>2</sup> Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси. Лойиха // Ўзбекистон тарихи. 1991. №1.

## **I боб. Оғзаки тарихнинг вужудга келиши ва ривожланиши**

### **1.1. “Оғзаки тарих” тушунчаси ва унинг шаклланиши**

Оғзаки тарих (Oral history)\* – XX аср ўрталаридан бошлаб шаклланиб келаётган ёш илмий фан соҳаларидан бири бўлишига қарамай, унинг асослари узок ўтмишга бориб тақалади. Ушбу ёш илмий йўналишни таърифлашда бир қатор мунозарали саволларга дуч келиш мумкин. Жумладан, оғзаки тарихни мустақил фан сифатида намоён бўлишига аниқлик киритилмаган: кимдир оғзаки тарихни турли кўринишлардаги оғзаки маълумотлар сифатида қабул қилса, яна кимдир уни тарихий тадқиқотларнинг янги методи сифатида тан олади, айримлар эса уни тарихий тадқиқотлардаги янги йўналиш ёки мустақил фан сифатида кўришади. Қолаверса, унинг ўрганиш предметини аниқ кўрсатиш мураккаблигидадир.

Маълумотларни инсондан-инсонга, авлоддан-авлодга оғзаки тарзда этказишнинг энг қадимги шакли ҳисобланади. Оғзаки манба – тадқиқотчилик амалиётида қўлланилган дастлабки тарихий манба бўлган. Тарихий воқеалар шоҳидларининг гувоҳликларини амалиётда қадимги юнон ва рим тарихчилари: Геродот, Фукидид, Плиний, Тацит ва бошқалар, шунингдек, Бухоро тарихи бўйича муҳим манба бўлган “Тарихи Бухоро” асари муаллифи Абу Бакр Муҳаммад Наршахий ҳам ўз ишларида самарали қўллашган. Аммо кейинчалик, ёзув ва ёзма манбаларнинг вужудга келиши, китоб чоп этилиши ва архивларнинг пайдо бўлиши билан маълумотларни оғзаки тарзда этказишнинг аҳамияти йўқолиб, оғзаки манбалар иккинчи даражага ўтиб кетди, айрим ҳолларда умуман инобатга олинмади.

Ҳозирда оғзаки тарих – тарихий тадқиқотлар ичида янги йўналишлардан бири бўлиб, бугунги кунда бир қатор хорижий давлатларда мазкур услубдан кенг фойдаланилган ҳолда, турли замонавий йўналишлар

---

\* Nevins A. Grover Cleveland: A Study in Courage. – NY: Dodd? Mead&Company., 1932; The Gateway to History. – NY: D. Appleton-Century.,1938. P.- 4.



бўлмиш локал тарих (local history), ижтимоий тарих (social history), оила тарихи (family history), кичик шаҳарлар тарихи (town history), кундалик ҳаёт тарихи (daily history) каби йўналишларда тарихий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Оғзаки тарихнинг шаклланиши ва ривожланишига бир қанча омиллар сабаб бўлган. Жумладан, тарих фанлари соҳасидаги ўзгаришлар, янги ахборот технологияларнинг ривожланиши, маълумотларни етказиш ва сақлаш усуллариининг ўзгариши ҳамда ривожланиши шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, барча ёзма манбаларнинг ишончлилики даражасининг юқори эмаслиги уларни оғзаки тарих услуби ёрдамида тўпланган манбалар билан қиёсий таҳлил қилишга туртки бўлди. Қолаверса, “XIX – XX аср жамоат арбоблари ўз фаолиятлари давомида катта миқдорда хизмат ва шахсий ёзишмаларни олиб борган бўлсалар, бугунги кундаги давлат ва жамоат арбоблари асосан телефондан фойдаланишади. Бу эса ёзишмаларни қисқа ёзилишига сабаб бўлмоқда, натижада ёзма манбаларда маълум бир тарихий жараённи очиб беришда узилишлар вужудга келади”<sup>1</sup>. Мана шундай ҳолатларни олдини олиш мақсади ҳам, оғзаки тарих услубининг ривожланишига таъсир этган омиллардан ҳисобланади. Шу нуқтайи назардан Лондон иқтисодиёт мактабида 1980 йил сиёсат ва маъмурият тарихини ёритувчи Британ оғзаки архиви ташкил этилди<sup>2</sup>.

Оғзаки гувоҳликлар асосида йиғилган маълумотларни тарихни ёзишда қўллаш қадимги ва ўрта асрларга бориб тақалсада, унинг мустақил йўналиш ва манбаларни йиғиш ҳамда сақлаш технологияси сифатида АҚШ ва Ғарбий Европада Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг юзага келди. Нью-Мексика университети тадқиқотчиси бўлган америкалик Д. Дунавей АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида оғзаки тарихнинг шаклланиш ва ривожланишини тўрт босқичга бўлади:

---

<sup>1</sup> Сабиров А. Музей қўрғазма воситаларини жонли идрок этишда “oral history” ва бошқа тарихий тадқиқот услубларининг аҳамияти (Ўзбекистон Республикаси ФА Қатағон қурбонлари хотираси музейи тажрибасида) // Тарих ва ўзликни англаш : Ўзбекистон ва Германия: 1919, 1929, 1939, 1949, 1979, 1989, 2009. – Т.: ФАН., 2009. – Б. 45-54.

<sup>2</sup> Тош Дж. Стремление к истине (как овладеть мастерством историка). – М., 2000. – С. 263.

Биринчи босқич, XX аср 50-60-йилларига тўғри келиб, у кўзга кўринган давлат ва жамоат арбобларининг биографиясини тузиш мақсадида оғзаки маълумотларни тўплаш билан характерланади.

Иккинчи босқич, XX аср 60-70-йиллар ўрталарини ўз ичига олиб, бу даврда муқобил тарихни ҳамда ёзувга эга бўлмаган халқларнинг тарихини яратиш, жамиятнинг қуйи қатламларини тадқиқ қилиш кенг ўрин олади.

Учинчи босқич, XX асрнинг 70-йилларининг ўрталари – 90-йилларнинг бошларига тўғри келиб, айти шу пайт оғзаки тарих янги йўналиш сифатида юзага чиқади.

Тўртинчи босқич, XX асрнинг 90-йилларидан бошланиб то бугунги кунгача давом этиб келмоқда ва у техника воситаларининг рақамли инқилоби билан бевосита боғлиқдир.

Айрим тадқиқотчилар эса, XX асрнинг иккинчи ярми “оғзаки тарих”ни тарихий фанларнинг мустақил тармоғи сифатида шаклланган даври сифатида баҳолашади. Ҳатто, айрим тарихчилар бу даврни “оғзаки тарих”нинг “қайта туғилиш” ёки “ренессанс” даври сифатида қарашади<sup>1</sup>. Уни шаклланишида қатор сабаб, шароит ва омиллар ичида учта энг муҳимини ажратиб кўрсатишади:

Биринчиси, аудио ва визуал маълумотларни ёзиб олиш ҳамда сақлашнинг пайдо бўлиши ва такомиллашуви. Зеро, XIX–XX асрлар чегарасида фонографларнинг пайдо бўлиши, XX аср иккинчи ярмидан магнитофонларнинг оммавий ишлаб чиқарилиши, XX аср сўнггида рақамли аудио ва видео техниканинг оммалашуви оғзаки гувоҳликларни ёзиб олишни ишончлилиқ даражасини ортириб, барча тадқиқотчилар фойдаланишларига имконият яратиб берди. Шу билан бирга авваллари оғзаки маълумотларни қўлда қайд этиб борган тадқиқотчиларга бўлган ишончсизлик муаммоси ҳал этилди.

Иккинчидан, гносеологик сабаб бўлиб, бу XX аср ўрталарида юзага келган позитив тарих инқироzi ва XX аср иккинчи ярмида юзага келган

---

<sup>1</sup> Щеглова Т.К. Устная история (Учебное пособие). – Барнаул, 2010. – С. 33-35.

Ўзига хос фанлараро инқилоблар билан боғлиқ бўлиб, булар ўз навбатида тарихий тадқиқотларнинг предмети, методлари, тамойиллари, методологияси ва манбаларини қайта кўриб чиқишга олиб келган. Эндиликда академик фанларнинг нуқтаи назари авваллари инкор этилган ўтмиш ҳаётнинг намоён бўлишига қаратилди. Жумладан, одамларнинг ҳаёт тарзи, уларнинг ахлоқи, ўхшашлиги, мансублиги, тасаввурлари, воқеликни баҳолаши, миш-мишлар, кундалик ҳаёт ва бошқаларалар.

Ўз навбатида тадқиқотлар майдонининг кенгайиши ва мураккаблашуви фанлараро алоқани кучайишига, шу жумладан, тарих фанини бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан алоқасини кучайтириб юборди. Фанлараро тадқиқотлар технологияларининг ўзаро тўқнашуви ёки ушбу фанларнинг тадқиқот методларининг ўзлаштируви натижасида янги субдисциплиналар ёки тарихий тадқиқот йўналишлари вужудга келди.

Учинчидан, тарихий тадқиқотларнинг манбавий асосидаги ўзига хос муаммолар ҳам оғзаки тарихни шакллантирган омиллардан саналади. Бир неча юз йиллар давомида шаклланиб келган объектив ва субъектив сабаблар туфайли давлат архив сақловлари тарихчиларнинг янги сўровларига тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди. Бу биринчидан, уларда асосан давлат ҳаётини, иш юритувчи ҳужжатларни, давлат вазифаларини, катта ижтимоий гуруҳ ва иқтисодий ривожланишлар ҳақидаги статистик маълумотларни сақловчи расмий манбалар билан бойитилган. Уларда тарихий ҳаётни тўлиқ тиклаш учун зарур бўлган “инсон омили” билан боғлиқ материаллар йўқ. Иккинчидан, совет архивлари тоталитаризм, волюнтаризм, партиявий-ғоявий сензура шароитида қаттиқ назорат қилинган. Кўплаб мавзуларда “бўшлиқлар”, “оқ доғлар” пайдо бўлди. Натижада ҳатто оммавий тарихий ҳодиса бўлган кулоқлаштириш ва қатағонга оид ҳужжатлар ҳам тарихий таҳлил қилишга яроқсиз бўлиб қолди. Уларнинг кўпчилиги ягона қолипда ёзилган бўлиб, фақатгина исм, фамилия, сана ва туғилган жойлари билан фарқланади. Шу ва бошқа бир қатор сабаблар оғзаки тарихни дастлаб

тарихий ўтмишни ўрганишда янгича ёндашув сифатида, кейинроқ эса мустақил фан сифатида вужудга келишига сабаб бўлган<sup>1</sup>.

Оғзаки тарих методи билан танишиш жараёнида бу услубнинг мустақил илмий йўналишга айланишига нима сабаб бўлди, деган табиий савол туғилади. Бунга жавобан айтиш мумкинки, “XX асрга келиб маълум бир танаффусдан сўнг оғзаки манбаларга тарихий билимларнинг муҳим бир бўғини сифатида қарай бошланди. Бу ўз навбатида қатор сабаблар билан изоҳланади:

биринчидан, XX аср – бу тарихни шахслар эмас, балки, омма яратишини англаш даври бўлди;

иккинчидан, “яқин ўтмиш”ни ўрганиш билан боғлиқ муаммолар фаол ўрганила бошланди.

Буларнинг барчаси оғзаки тарихни қайта жонланишига ва ўзининг вазибалари, усуллари ва имкониятлари билан мустақил илмий йўналишга айланишига олиб келди”<sup>2</sup>.

Оғзаки тарих атамаси 1852 йил Барбед Оревилли томонидан илк бор қўлланилган бўлсада, оғзаки тарих усулини янги техник воситалар асосида қўлланилиш тарихига назар соладиган бўлсак, кўпчилик тарихчилар оғзаки тарихни фан сифатида вужудга келишини Колумбия университетида фаолият юритган ҳамда “оғзаки тарих” атамасини илмий муомалага олиб кирган Аллан Невинснинг тарихий аҳамиятга эга бўлган хотираларни йиғишга асосланган иши билан боғлиқ, деб билишади.

XX асрнинг 30-йиллариданоқ оғзаки тарихга оид ишларни кўришимиз мумкин. Жумладан, “чикаголик журналист тарихчи Стадс Теркел 1930 йил Американинг жанубида ёшлик даврида куллиқни кўрган гувоҳлардан интервью тўплаганини”<sup>3</sup> адабиётларда қайд этган.

---

<sup>1</sup> Щеглова Т.К. Устная история (учебное пособие) – Барнаул, 2010. – С. 33-35.

<sup>2</sup> Сабиров А. Устная история (Oral history) как источник и метод исторического исследования // Устная история в Узбекистане: теория и практика. Сборник статей, Вып - I. - Т., 2011. – С 13-14.

<sup>3</sup>: Мусиев А.А. Социологическая проблематика в исследованиях устной истории // «СОЦИОПРОСТІР: Междисциплинарный сборник научных работ по социологии и социальной работе», 2011. № 110., – С 92.

“Оғзаки тарих” концепсияларини яратилиши 1940 йилларда АҚШда америкалик журналист Жосеф Гулд (Жосепх Фердинанд Гоулд) нинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унинг “Бизнинг давримизнинг оғзаки тарихи” асари бутунлигича турли одамларнинг ҳикоя ва кўрсатмаларидан иборат бўлган.

1948 йил Колумбия университети қошида оғзаки тарих маркази очилади. Сал кейинроқ яъни 1967 йил АҚШ “Оғзаки тарих” ассотсацияси ташкил этилди, икки йил ўтгач шу каби ташкилот Буюк Британияда ўз фаолиятини бошлади. 1971 йил Лондонда “Oral history” журнали чиқа бошлади, бу ўз навбатида “оғзаки тарих”нинг кенг оммалашганидан далолат берарди. Бунда англиялик тарихчи Пол Томпсоннинг “Ўтмиш садоси” (The Voice of the Past) асари “оғзаки тарих” усулини ривожланиши ва тарғиб этилишида муҳим аҳамият касб этди.

Оғзаки тарих методининг асосини “сўраб олиш технологияси” ташкил этади. Шу сабабдан мазкур методнинг бошқа услублардан ўзига хос фарқи бу ўтмиш воқеаларнинг гувоҳларидан интервью тўплашдир. Шундан келиб чиқиб, АҚШ оғзаки тарих Ассотсацияси томонидан ушбу метод тарих фанининг тадқиқот услуби сифатида баҳоланган ва у учта муҳим тамойилларга асосланади:

Биринчидан, сўровларнинг илмий-методик таъминланганлиги (илмий дастурлар, илмий лойиҳалар, илмий сўровномалар, илмий гипотезалар);

Иккинчидан, мажбурий талабларни бажарилиши, бунда маълумотларни қайд қилиш ва сақлаш учун техник таъминланганлик;

Учинчидан, тарихий интервьюларни ҳужжатлаштириш ва архивлаш, давлат стандартларига жавоб берувчи “оғзаки тарихий манбалар” ва “оғзаки архивлар”ни ташкил этиш<sup>1</sup> ва ҳ.к.

Оғзаки тарих методи ва оғзаки тарих асосида изланувчи тарихчининг тадқиқот предмети – бу тарихий жараёнларнинг бевосита гувоҳларининг

---

<sup>1</sup> Щеглова Т.К. Устная история (учебное пособие). – Барнаул, 2010 . – С. 46-47.

Ўтмиш ҳодисаларни идрок қилиши, тарихга индивидуал баҳо бериш ва ўтмишни субъектив тиклаш ёки субъектив намоён этишдир.

Оғзаки тарих методи асосида тадқиқотларни олиб бориш жараёнида унинг назарий – методологик жиҳатларига, хусусан, интервьюга ҳозирлик кўриш, интервью олиш, таҳлил этиш, транскрибациялаш ва архивлаш жараёнларига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Бу жараёнда таҳлил этишга алоҳида ёндашиш керак бўлади, чунки оғзаки тарзда тўпланган маълумотлар ёзма ҳужжатларга нисбатан қатъийроқ ва чуқур танқидий таҳлилни талаб этади. Мазкур тадқиқот босқичлари оғзаки тарихни аввало:

- танқидий ҳолатга келтиради (оғзаки гувоҳликларни далил ва маълумотлар тўплаш эмас, балки, интервьюларга манба сифатида танқидни талаб этиши);
- тадқиқот натижаларини оммага этиб боришини таъминлайди (яъни бунда бошқа тадқиқотчиларга ва кенг жамоатчиликка интервьюга бевосита мурожат қилиш орқали муаллиф хулосаларининг адекватлигини текшириш имконини беради)<sup>1</sup>.

Ғарб мутахассислари оғзаки тарихни менталитет (тафаккур тарзи) билан боғлиқ тарих сифатида қабул қиладилар<sup>2</sup>. Оғзаки тарихнинг социал аҳамиятига тўхталадиган бўлсак, “оғзаки тарих” кишилар фаолиятининг ўзи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу кичик авлоднинг катта авлод вакиллари (оталари, боболар, катта бувалар)нинг ўзаро таъсирини ифодалайди<sup>3</sup>.

Тарихий фанларнинг методи сифатида оғзаки тарих:

биринчидан, бошқа тарихий фанлар тармоқлари бўлмиш тарихий антропология, тарихий психология, тарихий герменевтика каби фанларга керакли материаллар тақдим этади;

---

<sup>1</sup> Сабиров А.Т. Устная история (Oral History): от строюграфических традиций комплексному источниковедению // Тарихшунослик ўқишлари - 2010. Конференция материаллари тўплами. – Т.: Yangi nashr. 2011. – Б. 62.

<sup>2</sup> Сабиров А. Музей кўргазма воситаларини жонли идрок этишда “oral history” ва бошқа тарихий тадқиқот услубларининг аҳамияти (Ўзбекистон Республикаси ФА Қатағон қурбонлари хотираси музейи тажрибасида)... – Б. 52.

<sup>3</sup> Калонов К. Социал маконда “Оғзаки тарих” усулидан фойдаланишнинг аҳамияти // O'zbekiston Tarixi. 3-4 сон. – Т.:2012. Б.112.

иккинчидан, тарихий ҳодисаларда бевосита иштирок этган ва расмий манбаларда статистик бирликларни ташкил этадиган ҳатто айрим пайтлар умуман унутиладиган “кичик одамлар”нинг гувоҳликларини сақлаб қолиш имконини беради;

учинчидан, қадриятлар тизими ва маданий-семантик кодларни авлоддан-авлодга ўтказиб беришни таъминлайди<sup>1</sup>.

Ушбу бўлимга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, оғзаки тарих XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб шаклланиб, тарихий фанлар тармоғига 1940 йилларда АҚШда америкалик журналист Жозеф Гулд (Жозеф Фердинанд Гоулд) нинг фаолияти асосида кириб кела бошлади. Кейинчалик АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларида кескин суратларда ривожланиб борди. Бугунги кунда оғзаки тарихга оид тадқиқотлар бутун дунёда амалга оширилмоқда. 1990 йилдан бошлаб Мексика ва Бразилияда миллий оғзаки тарих асоссиатсиялари фаолият юрита бошлади. Австралияда оғзаки тарих асоссиатсияси 1970 йилдан бошлаб маҳаллий ижтимоий тарих ва антропология соҳаси мутахассислари саъй-ҳаракатлари билан ўз ишини бошлади<sup>2</sup>. Унинг тараққий этиши аввало мазкур методнинг бир неча фанлар кесимида ишлатиш имконини мавжудлиги ва тарихда инсон омилининг таъсирига қизиқишни ошириши ва бошқаларга сабаблар туртки бўлди.

Оғзаки тарих манбалари икки томонлама хусусиятга эга. Хусусан:

Биринчидан, мавжуд социал тажрибани авлодларга етказишда ўз илдизлари билан узок ўтмишга бориб тақаладиган, архаик ҳодисаларни ифодаловчи мавжуд тарихий анъаналар;

Иккинчидан, яқин ўтмишнинг гувоҳ ва иштирокчилари бўлган кишиларнинг хотираларидир<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Fundamentals of Oral History // Texas Preservation Guidelines. – Austin: Texas Historical Commission, 2004. – P.

<sup>2</sup> Sabirov A. Oral History and how youth and adults learn from the past // Closing the books or keeping them open? – Bonn, 2011. – P. 76.

<sup>3</sup> Сабилов А. Устная история (Oral history) как источник и метод исторического исследования // Устная история в Узбекистане: теория и практика... – С. 14.

## 1.2. Оғзаки тарих тадқиқотларига доир хориж тажрибаси

Ҳозирда оғзаки тарих – тарихий тадқиқотлар ичида янги йўналишлардан бири бўлиб, бугунги кунда бир қатор хорижий давлатларда мазкур услубдан кенг фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда тарихчилар орасида баҳс-мунозара объектига айланиб улгурган оғзаки тарих методига доир тадқиқотларнинг хронологик доираси XX аср ўрталаридан то бугунги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу ўз навбатида XX аср ўрталарида АҚШда кейинроқ эса бошқа мамлакатларда оғзаки тарих соҳасида олиб борилган тадқиқотлар билан изоҳланади.

Оғзаки тарихнинг назарий ва амалий жиҳатларини хориж тарихшунослигида даврлаштириш ва характеристикасини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- ❖ **1948 – 60-йилларнинг боши** – янги метод ва унинг атамашунослигига оид ишларнинг чоп этирилиши; оғзаки тарихий хотира ва гувоҳликларни жўшқинлик билан ёзиб олина бошланиши, уларда қуйидаги йўналишлар алоҳида кўзга ташланади: сиёсий биографиялар, ижтимоий тарих, ёзувга эга бўлмаган жамиятларнинг тарихини “тўқиш”.
- ❖ **60-йилларнинг охири – 70-йилларнинг ўрталари** “янги журналистика”нинг, тарихшуносликда “ўта сўл”, феминистик ва “рангли” йўналишларнинг пайдо бўлиши, “колониал тарихнинг” инқирози, жамиятнинг турли қатламларидан олинган интервьюларни нашр этиш орқали ижтимоий тарихни янгиланиши.
- ❖ **70-йилларнинг охири – 90-йилларнинг боши** фан сифатида шаклланиши, оғзаки тарихнинг келиб чиқиши ва методологиясига доир мунозаралар, интервью олиш жиҳатлари, этик ва ҳуқуқий муамолари, “оғзаки архивларни” ташкил этиш методологияси ва бошқаларалар<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Хубова Д.Н. Устная история и архивы: зарубежные концепции и опыт.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - М., 1992. С. 9.



Алоҳида айтиш лозимки, оғзаки тарихга доир тадқиқотларни тарихшунослик таҳлил этишнинг методикаси ишлаб чиқилмаган. Бу бевосита ҳозирга қадар оғзаки тарих алоҳида фанми, ёки тарихий тадқиқот йўналишими, ёки оғзаки тарих манбаларининг аҳамияти қай даражада ? каби саволларга аниқ бир жавобнинг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ушбу сатрлар муаллифи оғзаки тарихга оид тадқиқотларни ўрганиб, оғзаки тарих соҳасига оид илмий тадқиқотларни қуйидаги турларга бўлиб чиқди:

- ❖ оғзаки тарих методининг шаклланиши, назарий ва амалий жиҳатларини ўзида акс этган нашрлар;
- ❖ оғзаки-тарихий тадқиқот олиб бориш услублари ва интервью ўтказиш усулларини ўзида акс этган ишлар;
- ❖ оғзаки-тарихий интервьюларга асосланиб ёзилган мавзубоп илмий тадқиқотлар.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керак бўлган жиҳати шундаки, оғзаки тарих методининг назарий муаммоларини ҳал қилиши мумкин бўлган тадқиқотлар жуда оздир. Илмий тадқиқотларнинг асосий қисми оғзаки-тарихий интервьюларга асосланган фан ва техника тарихига доир ишлар ташкил этади. Мазкур ишларни уч гуруҳга бўлиб ўрганишни лозим топдик. Улар қуйидагилар:

биринчидан, АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларида амалга оширилган илмий тадқиқотлар, зеро, айнан шу ерда ерда оғзаки тарих шаклланиб, назарий ва амалий жиҳатлари ишлаб чиқилган;

иккинчидан, рус тадқиқотчиларнинг оғзаки тарих методи асосидаги илмий ишлари, шунингдек, бу гуруҳга совет даврида яратилган баъзи тадқиқотлар ҳам киритилган;

учинчидан, Шарқ мамлакатларида амалга оширилган оғзаки тарихга доир илмий тадқиқотлар шулар жумласидандир.

Оғзаки тарихга доир илмий тадқиқотларни АҚШ мисолида кўрадиган бўлсак, XX асрнинг 30-йилларида чикаголик журналист тарихчи Стадс

Теркел<sup>1</sup> 1930 йил Американинг жанубида ёшлик даврида кулликни кўрган гувоҳлардан интервью тўплагани адабиётларда қайд этилади. Аммо оғзаки тарих усулини янги техник воситалар асосида кулланилиш тарихига назар соладиган бўлсак, кўпчилик тарихчилар оғзаки тарихни фан сифатида вужудга келишини Колумбия университетида фаолият юритган ҳамда “оғзаки тарих” атамасини илмий муомалага олиб кирган Аллан Невинс<sup>2</sup>нинг тарихий аҳамиятга эга бўлган хотираларни йиғишга асосланган иши билан боғлиқ деб билишади. Аллан Невинс 1932 йилда ўзининг “Гровер Кливленд: Мардлик тимсоли” ва 1938 йил “Тарихга кириш” асарларида тарихий маълумотларни оғзаки тарзда тўплаш катта самара беришини таъкидлаб ўтиб, бунга яққол мисол тариқасида президент Гровер Кливленднинг ҳаёт ва фаолиятини очиб беришда ёзма маълумотларни етарли эмаслигини ва яқин ўтмишдаги тарихий воқеалар иштирокчиларидан интервью олиб, ундан ёзма манбаларни бойитишда фойдаланиш лозим<sup>3</sup> деган хулосасини исботлаб беради. Айтиш лозимки, А. Невинснинг тадқиқотлари тарихийликдан кўра, кўпроқ журналистик бўлиб, унда фақатгина элитар шахсларнинг ҳаёт ва фаолияти акс этади, ваҳоланки, оғзаки тарих бу асосан ижтимоий тарих бўлиб, унда кўпроқ оддий халқнинг ўтмишга назари ёритилади. Кейинчалик Аллан Невинснинг ишларини шогирди С. Бенисон давом эттиради.

АҚШнинг Кларк университети профессори А. Баттимер<sup>4</sup>нинг “География томон йўл” номли тадқиқоти алоҳида аҳамият касб этади. У ўзидан аввалги тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ ўз тадқиқотларида интервьюларни илк бор видео тасмага ёзиб олади. А. Баттимер 1978-1981 йиллар давомида АҚШ, ГДР, Франция, Швеция, Норвегия, Финляндия ва нидерландиялик географлардан “профессонал ҳаёт йўлини танлаш”

---

<sup>1</sup> Terkel S., Vansina J., Tedlock D., Benison S., Harris A.K., Grele R.J. Envelopes of Sound. Six Practitioners Discuss the Method, Theory and Practice of Oral History and Oral Testimony. Chicago, 1975. 154 p.

<sup>2</sup> Nevins A. Grover Cleveland: A Study in Courage. – NY: Dodd, Mead & Company., 1932; The Gateway to History. – NY: D. Appleton-Century., 1938.

<sup>3</sup> Ўша асар...-P.832.

<sup>4</sup> Баттимер А. Путь в географию / Пер. с англ.- М.: Прогресс, 1990.

мавзусида интервью олиб борган. Мазкур тадқиқот география тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланиши мумкин. Яна бир АҚШнинг Орегон штатининг тарих Департаменти университети профессори Р. Доел<sup>1</sup> ўз асарида оғзаки – тарихий тадқиқот дастурларининг АҚШда ривожланиши ва тарқалиши ҳақида кенг ёритиб берган.

АҚШда нашр этилган «Оболочки звука: шест практических дискуссий о методе, теории и практике устной истории и устных свидетельств»<sup>2</sup> номли китоб диққатга сазовор бўлиб, унда 1973 йил АҚШнинг Чикаго штатида бўлиб ўтган Америка тарихчилар ташкилотининг ҳар йилги ўтказиладиган курултойи доирасидаги оғзаки тарихга оид баҳс-мунозаралар ва оғзаки тарих соҳаси мутахасисларидан олинган интервьюлар ўрин олган. Мазкур китоб оғзаки тарихнинг назарий ва амалий жиҳатларини АҚШда қанчалик даражада ривожланганлигини баҳс-мунозаралар асосида ёритиб берган.

Европада интервьюлар асосида таниқли олимларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш 1950 йиллардан физика тарихи билан шуғулланувчи немис олими Я. Мехра номи билан боғлиқ бўлиб, у бутун Европани айланиб 1920-1930 йилларда квант механикасини яратишда иштирок этган физиклардан хотираларини ёзиб олган. Мазкур тадқиқот физика тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Европада оғзаки тарих методининг кенг ёйилиши Пол Томпсон<sup>3</sup> номи билан боғлиқ. У ўзининг асарларида оғзаки тарихни назарий масалаларидан оғзаки тарихни янги тадқиқот методи сифатидаги ўрни, тарихчиларнинг оғзаки маълумотларга муносабатлари, оғзаки манбаларнинг ишончлилиги масалалари ҳамда амалий томондан оғзаки тарихнинг муаммоларини яъни, интервью асосида олинган материалларни тўплаш, таҳлил этиш ва архивлаш масалаларини ҳар томонлама кенг кўриб чиққан. Шу билан бирга

---

<sup>1</sup> Доел Р. «Устная история» в историографии современной науки: опыт и проблемы // Вопросы истории естествознания и техники. 2000. № 4.

<sup>2</sup> Terkel S., Vansina J., Tedlock D., Benison S., Harris A.K., Grele R.J. Envelopes of Sound. Six Practitioners Discuss the Method, Theory and Practice of Oral History and Oral Testimony. Chicago, 1975. 154 p.

<sup>3</sup> Thompson P. The Voice of the Past. N.Y.: Oxford University Press., 1988; Томпсон П. Голос прошлого. Устная история / Пер. с англ. – М.: «Весь Мир», 2003.

оғзаки тарихни таълим соҳасидаги аҳамиятини кўриб чиқиб, “оғзаки тарих лойиҳалари ўқувчиларга тарихий манбаларнинг асл табиатини тушинишга имкон беради, зеро ўқувчилар маълумотларни тўплашда бевосита иштирок этадилар”<sup>1</sup> деб таъкидлайди. П. Томпсоннинг мазкур асари оғзаки тарих методининг назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишда фундаментал иш ҳисобланиб, оғзаки тарихга оид бу каби мукамал тадқиқот ҳозиргача амалга оширилмаган.

Яна бир инглиз тарихчиси Д. Тош ўзининг тарихнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган асарининг ўн биринчи бобини оғзаки манбаларнинг аҳамияти ва оғзаки анъаналар хусусида тўхталиб ўтади. Ушбу тадқиқотда Д. Тош оғзаки тарихга оид асарларни шарҳлаш билан чегараланиб, оғзаки тарихнинг назарий ва амалий жиҳатларига эътиборни камроқ қаратади. Қолаверса асарда оғзаки тарих ва оғзаки анъаналарни бир нарса эканлигига ишора беришга ҳаракат қилади, ваҳоланки, оғзаки тарих ва оғзаки анъаналар бир-биридан фарқ қилади.

Оғзаки тарих манбаларини таҳлил этиш масалалари В. Мосса<sup>2</sup>нинг “Оғзаки тарих: баҳолаш” номли илмий тадқиқотида кенг очиб берилган. Мазкур тадқиқот оғзаки тарих материалларини тарихий манба сифатида таҳлил этиш мезонларига бағишланган бўлиб, унда оғзаки материалларни таҳлил этиш талаблари санаб ўтилган.

Кутубхоналарнинг оғзаки тарих билан боғлиқ жиҳатлари В. Баум<sup>3</sup>нинг “Кутубхоналарнинг оғзаки тарих соҳасидаги кенгайиб бораётган ўрни” асарида кенг очиб берилган. Мазкур тадқиқотнинг аҳамияти шундаки, унда кутубхоналарда оғзаки тарих материалларини ташкил этиш, сақлаш ва фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган.

---

<sup>1</sup>Томпсон П. Голос прошлого. Устная история... – С. 194.

<sup>2</sup> Mossa W. Oral History: An Appreciation // Oral History: an interdisciplinary anthology, 1996.

<sup>3</sup> Baum W.K. The Expanding Role of the Librarian in Oral History // Oral History: an interdisciplinary anthology, 1996.

Инсон хотирасини тарихни ўрганишдаги аҳамияти ва оғзаки тарихдаги ўрни ҳақида Л. Пассерини<sup>1</sup>нинг “Авлодлар автобиографияси” асарида кўплаб маълумотлар келтирилган. Тадқиқотчи инсон хотирасининг аҳамиятига тўхталиб, “инсонлар хотираси яқин ўтмиш тарихини ўрганишда маълумотларга бой манба ҳисобланади”<sup>2</sup> деб таъкидлайди.

Оғзаки тарихнинг назарий ва амалий масалалари ҳамда оғзаки тарих методи асосида яратилган илмий тадқиқотларни россиялик тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Россияда оғзаки тарих соҳаси асосидаги дастлабки иш В.Д. Дувакинга тегишли бўлиб, у XX аср рус маданияти ва илм-фан тарихига оид фонохужжатларни яратиш жараёнида ёзувчилар, олимлар, шоирлар, рассомлар, санъаткорлар ва режиссерлардан жами 800 дан ошиқ респондентлар билан суҳбат олиб бориб интервьюларни ёзиб олган. Дувакиннинг интервью материаллари уч гуруҳга бўлинади булар:

- 1) монографик;
- 2) кенгайтирилган суҳбатлар;
- 3) кўп мавзули суҳбатлардан иборат.

Мазкур тадқиқот XX аср рус маданияти ва илм-фани тарихини ўрганишда муҳим манба саналса-да, бироқ тадқиқот давомида олиб борилган интервьюлар оғзаки тарих методи асосида амалга оширилмаган. Сабаби, бу даврда оғзаки тарих методи АҚШ ва Ғарбий эвропада оммалашиб улгурган бўлсада, маълум бир сабабларга кўра ҳали собиқ СССРга кириб келмаган эди. СССРнинг ўзида эса табиийки оғзаки тарихнинг назарий ва амалий томонларини ўзида акс этган илмий ишлар мавжуд эмас эди.

Хориждаги оғзаки тарихга доир дастурларнинг амалга оширилиши ҳақидаги қисқача маълумотларни архившунослик соҳаси мутахассислари Н.П. Кузнетсова ва В.М. Суриновларнинг илмий мақолаларида учратиш

---

<sup>1</sup> Luisa Passerini. Autobiography of Generation – Italy. – 1968 (Hannover,1996), – P. 25.

<sup>2</sup>Luisa Passerini. Autobiography of Generation – Italy. – 1968 (Hannover,1996), – P. 25.

мумкин. Мазкур мақолада турли фан соҳа вакиллари билан олиб борилган суҳбатлар ва Австралияда амалга оширилган фан ва санъат арбобларининг хотиралари йиғилган коллекциялар хусусида маълумот берилган.

1990 йилнинг бошида М.Г. Ярошевский бошчилигида бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг биргаликда амалга оширган «Репрессированная наука» номли тадқиқот иши нашр этилади. Унда бир қатор таниқли рус олимларининг гувоҳликлари асосида 1930-1960 йиллардаги совет илм-фанида бўлиб ўтган драматик воқеалар ёритилади.

1980 йилларнинг охирларидан бошлаб совет тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқотларида оғзаки тарихнинг методик масалалари кўзга ташланади. Жумладан, Т.Н. Мусатова, В.М. Виноградов, М.Я. Рожанскийлар ўз тадқиқотларида оғзаки-тарихий интервьюларнинг методикаси, оғзаки материалларнинг манбавий аҳамияти ва манбашунослик танқид қилиш усуллари ҳамда узок сақлаш масалаларини ёритишган.

Россияда оғзаки тарихнинг назарий масалаларини ўзида акс этган дастлабки номзодлик ишини Д.Н. Хубова<sup>1</sup> амалга оширган бўлиб, тадқиқотчи ўзининг мазкур номзодлик иши ва унинг асосида нашр этган оғзаки тарихга бағишланган монографиясида оғзаки тарих методининг бир қанча назарий ва амалий жиҳатларини ёритишга уринади. Жумладан, оғзаки манбаларни хужжатлаштиришнинг техник муаммоларига тўхталиб, респондентларни танлаш, оғзаки хужжатларни транскрибациясини амалга ошириш ва уларни илмий муомилада ишлатиш масалаларига тўхталиб ўтган. Шу билан бирга оғзаки тарих атамасининг келиб чиқишини, мазкур методни шаклланишини АҚШ, Буюк Британия ва Франция мисолида кўриб ўтади. Мазкур тадқиқотчининг илмий ишларининг аҳамияти шундаки, унда

---

<sup>1</sup> Хубова Д.Н. Устная история и архивы: зарубежные концепции и опыт.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. -М., 1992; «Устная история» и источниковедение: историческое интервью, инициативное документирование или «фабрикация» исторического источника? // Источниковедение XX столетия: Тез. докл. и сообщ. науч. конф. - М.: РГГУ ИАИ, 1993; «Устная история» и источниковедение: «В поисках утраченного времени» // Мир источниковедения: Сборник в честь Сигурда Оттовича Шмидта. М.: РГГУ; Пенза, 1994; Устная история. «Verba Volant.»? Методическое пособие. - М.: РГГУ, 1997.

оғзаки архивларни ташкил этиш масаласида ўзининг аниқ таклифларини беради.

Оғзаки тарихга оид яна бир тадқиқот М.В. Мокрова<sup>1</sup> томонидан яратилган бўлиб, унда “оғзаки тарих” атамаси таҳлили, техник воситаларнинг ривожланишининг оғзаки тарихга таъсири, фанлараро алоқаси, оғзаки тарихий-тадқиқот олиб бориш усуллари каби масалаларини ёритган.

Россияда амалга оширилган илмий тадқиқотлардан бири бу 2003 йил М.В. Лоскутова<sup>2</sup> томонидан чоп этирилган “Оғзаки тарих хрестоматияси”дир. Мазкур асарда оғзаки тарих методининг назарий ва амалий масалалари ушбу методнинг хорижлик мутахасисларининг илмий мақолалари ва тадқиқотлари асосида очиқ беришга уринган. Ушбу асарда оғзаки тарих методининг дарғалари бўлмиш А. Портелли, М. Фриш, Я. Вансин, П. Томпсон ва бошқаларнинг оғзаки тарихнинг мақсад ва вазибаларига оид мулоҳазалари ўрин олганлиги билан мазкур асар қимматлидир. Аммо алоҳида айтиш лозимки, мазкур хрестоматияда оғзаки тарихнинг умумий жиҳатларига тўхталиб, унинг методик томонлари бўлмиш, интервьюни ташкил этиш, унда техник воситалардан фойдаланиш, оғзаки тарих архивларини ташкил этиш ва сақлаш масалалари ёритилмаган.

Яна бир фундаментал тадқиқот ишларидан бири профессор Т.К. Щеглова<sup>3</sup> қаламига мансуб бўлиб, мазкур тадқиқот ишида оғзаки тарих методининг назарий ва амалий масалалари атрофлича ёритиб берилиш билан биргаликда, унда, оғзаки тарих методи асосида тузилган мавзубоп саволлар ва сўровномаларни ўқувчиларга ҳавола этилган.

Айтиш лозимки, россиялик тарихчиларда оғзаки тарих йўналишига қизиқиш катта бўлиб, шу сабабдан мазкур методнинг тархини тиклаш ва ўрганишдаги аҳамияти масаласида бир неча йиллардан бери илмий

---

<sup>1</sup> Мокрова М.В. Устная история науки: от историографических традиций к комплексному источниковедению.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук.- М., 2004.

<sup>2</sup> Хрестоматия по устной истории.- СПб.: Изд-во Европ. ун-та в С. Петербурге, 2003.

<sup>3</sup> Щеглова Т.К. Устная история (учебное пособие). – Барнаул, 2010.

анжуманлар ўтказиб борилади. Ушбу анжуманларда сўзланган нутқлар асосида тўпланиб ва нашр этилган илмий мақолалар тўпламлари оғзаки тарих методини ўрганишда муҳим материаллардан бири саналади.

Оғзаки тарих маълумотларидан фойдаланиш анъанаси Ғарб давлатларига нисбатан Шарқда анча кечроқ бошланган бўлиб шу сабабли тажрибалар энди йиғилиб, бойиб бормоқда. Лекин Шарқнинг Хитой ва Япония каби ишлаб чиқариш техникалари ривожланган давлатларида кеч бўлсада яхши ривожланди. Чунки оғзаки тарих усулининг ривожини бевосита ёзиб олувчи техникалар ихтиролари ва ишлаб чиқариши билан боғлиқ.

Хитой илмий жамоаларига оғзаки тарих тушунчаси жуда яхши маълум. Оғзаки тарих маълумотларидан фойдаланиш қадимда ҳам мавжуд бўлган бўлса-да, унинг юксалиши анча кеч – XX асрда бошланган. Хитой тажрибасида оғзаки тарих тадқиқотларининг икки йўналиши назарий ўрганиш ва оғзаки интервью усуллари мавжуд. Бу икки истиқболли, қизик соҳаларда муҳим натижаларга эришилди. Хитой оғзаки тарихи ўзининг янги босқичига йетди ва қуйидаги тахминий режалари бор:

- оғзаки тарих назарияси ва усуллари ўрганишни мустаҳкамлаш;
- иқтидорли олимларни тайёрлашни фаоллаштириш ва оғзаки тарихчиларнинг профессионал гуруҳини ташкил этиш;
- оғзаки тарих лойиҳаларини умумий тадбиқ этилишини таъминлаш;
- янги оғзаки тарих веб сайтлар ва академик журнал яратиш ва Хитойда оғзаки тарих архивларинини ташкил этиш учун тайёрлаш.

Ўртоқ Зуо Йухе, Хитой Халқ Республикаси ижтимоий фанлар Академияси Замонавий тарих институтида катта илмий ходими ва бир вақтнинг ўзида Хенан Университетида профессор.У, шунингдек, Хитой оғзаки тарихи тадқиқотлари уюшмаси Бош котиби ҳисобланади. Унинг асосий тадқиқотлари Хитой замонавий интеллектуал ва маданий тарихи ҳамда оғзаки тарих ҳақида ўйлаш.



Японияда ҳам оғзаки тарих учун янги имкониятлар очиб берган аудиовоситалардан фойдаланиш одатий бўлиб қолган. Ўз тарихларини оғзаки тарзда сақлаб қолишлари учун бу махсулотлар жуда ҳам афзалдир. Япония оғзаки тарихи япончада жутсуши ёки кикигаки дейилади. Бугунги кунда Япония оғзаки тарих тарихий тадқиқотларини муҳокама қилиш мумкин. Бироқ замонавий тарих, тарих ва таълимга фаол ёндашув сифатида жуда кам ўрганилган ёки тушиниш осон деб ҳисоблашади.

Японияда оғзаки тарих бўйича ташкилотлар йўқ эди, шу сабабли, бу соҳанинг ривожланиб, халқаро тажрибалар алмашиш учун Халқаро оғзаки тарих ассоциацияси (U.S) ва Оғзаки тарих жамиятига (U.K) қўшилди.

Шу каби Шарқ давлатлари мисолида оғзаки тарих соҳасини Фарбагидан бир оз орқароқда бўлсада ҳамкорлик асосида ривожланиб боришини кузатишимиз мумкин.

### **1.3. Оғзаки тарих тадқиқотларига доир Ўзбекистон тажрибаси**

Ўзбекистонда оғзаки гувоҳликларга таянган ҳолда йиғилган маълумотлар асосида қатор ишлар қилинган. Жумладан, профессор Ҳамид Зиёев<sup>1</sup> 1916 йилги кўзғолон иштирокчилари ва Сибир ўзбекларидан олган интервьюлари асосида 1916 йилда Фарғонадаги кўзғолонларни кенг ёритиб берган.

Тарих фанлари доктори Қахрамон Ражабов<sup>2</sup> Туркистонда совет режимига қарши кураш ҳаракат тарихини тадқиқ қилиш давомида оғзаки тарих методига мурожаат қилиб, қаршилик ҳаракатига гувоҳ бўлган инсонлар шунингдек, ҳаракатнинг бевосита иштирокчиларининг оила аъзоларидан, улар билан суҳбатдош бўлган ёки бевосита таниган кишилардан маълумотлар тўплаб мавзунини ёритишда кенг фойдаланилганлигини таъкидлаб ўтган.

---

<sup>1</sup> Зиёев Х. Участники восстания 1916 года в Ферганской долине. – Т., 1979.

<sup>2</sup> Ражабов Қ. Ўзбекистонда шаҳарлар ва туманлар тарихи: муаммонинг методологик жиҳатлари // Тарихшунослик ўқишлари - 2010. Конференция материаллари. – Т., 2011. – Б. 71.

Халқаро журналист Мавлон Шукурзода<sup>1</sup> “Америкалик ўзбеклар” рисоласида Фарғона водийсидаги совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш раҳбари Шермухаммадбек қўрбошининг ҳаёт ва фаолиятини ёритишда қўрбошининг ўғли Давронбек кизи Саодатхон, жияни Муҳаммад Анварбекларнинг оғзаки тарзда берган маълумотларидан фойдаланилган.

Ўзбекистонда истиқлол йилларида оғзаки тарихнинг назарий ва амалий жиҳатдан янги йўналиш сифатида ривожланиши Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти қошида ташкил этилган, тарихчи Алишер Собиров бошчилигидаги “Оғзаки тарих” маркази фаолияти билан боғлиқдир.

Мазкур марказ бир неча йилдан бери Германия Халқ Университетлари Ассоциацияси билан ҳамкорликда оғзаки тарихни кенг амалиётга қўллашга оид қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, 2010 йил “Ўзбекистонда оғзаки тарих: назария ва амалиёт” ва 2011 йил “Тарихий маданий меросни тарғиб қилишда оғзаки тарихнинг аҳамияти” номли илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференцияда қатор тадқиқотчиларнинг оғзаки тарих услуби асосида олиб борган илмий изланишлари билан ўртоқлашиб, оғзаки тарихнинг Ўзбекистондаги истиқболлари муҳокама қилинди.

Марказ томонидан чоп этилган “Ўзбекистонда оғзаки тарих: назария ва амалиёт” номли тўплам ўз ичига тўлалигича оғзаки тарихнинг назарий ва амалий жиҳатлар, унинг бошқа фанлар кесимидаги аҳамияти, оғзаки манбаларни архивлаш ва мазкур метод асосида амалга оширилган тадқиқот натижаларини қамраб олган.

Ушбу мақолалар тўплами Ўзбекистонда оғзаки тарихга доир илк амалга оширилган ишлардан бири бўлганлиги сабабли, унда оғзаки тарих методининг амалий томонлари тўлалигича ёритилмаган. Жумладан, унда оғзаки тарих методи асосида ташкил этиладиган тарихий интервью турлари, услуб ва усуллари тўлалигича очиб берилмаган, оғзаки манбаларнинг

---

<sup>1</sup> Шукурзода М. Америкалик ўзбеклар. – Т.: Фан, 2007.

тарихни ўрганишдаги аҳамияти, мазкур методнинг Ўзбекистон шароитига мослашуви ва келажакдаги истиқболлари деярли ёритиб берилмаган.

Алишер Сабилов<sup>1</sup>нинг олиб борган илмий тадқиқотлари ва чоп этган илмий нашрлари янги методни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, у ўз мақолаларида оғзаки тарих йўналишининг шаклланиши, оғзаки-тарихий тадқиқот олиб бориш усуллари, оғзаки манбаларни транскрибациялаш, архивлаш ва илмий муомалага киритиш масалаларини ёритиб, мазкур методнинг Юртимизда оммалашувига хизмат қилмоқда.

Назарий кўникмалар олингандан кейин “Ўзбекистонда кичик шаҳарлар ҳаёти. Ижтимоий-маданий аспекти (XX асрнинг иккинчи ярми –XXI аср бошлари)” мавзусида пилотаж тадқиқот кўринишида амалий машғулот ўтказилди. Бундай тадқиқот Фарғона водийсидаги қадимий қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик анъаналарига эга бўлган учта жойда – Наманган (Чуст ва Тўрақўрғон шаҳарлари ), Андижон (Шаҳрихон, Асака шаҳарлари ) ва Фарғона ( Олтиариқ тумани маркази ва Қувасой шаҳарлари) вилоятларида ўтказилган. Тадқиқот мавзуси ва кўрсатилган шаҳарлар тренинг иштирокчилари томонидан ижтимоий, иқтисодий, демографик, этник мезонлар бўйича танланган. Натижада, лойиҳа иштирокчилари томонидан 30 дан ортиқ аудиоинтервьюлар олиниб, уларнинг аксарият қисми фото ва видео кўринишда ҳам қайд этилган, улар Марказ архиви учун асос бўлиб хизмат қилган.

Оғзаки тарих бир неча фанлар кесимидаги метод бўлганлиги боис, мазкур янги йўналиш юртимизнинг бир қанча социолог тадқиқотчиларнинг илмий изланишларининг объектларидан бирига айланган. Шундай

---

<sup>1</sup> Сабилов А. Музей кўргазма воситаларини жонли идрок этишда “oral history” ва бошқа тарихий тадқиқот услубларининг аҳамияти (Ўзбекистон Республикаси ФА Қатагон қурбонлари хотираси музейи тажрибасида) // Тарих ва ўзликни англаш : Ўзбекистон ва Германия: 1919, 1929, 1939, 1949, 1979, 1989, 2009. – Т.: ФАН. 2009; Устная история (Oral history) как источник и метод исторического исследования // Устная история в Узбекистане: теория и практика. Сборник статей, Вып - I. - Т., 2011; Устная история (Oral History): от стронографических традиций комплексному источниковедению // Тарихшунослик ўқишлари - 2010. Конференция материаллари тўплами. – Т.: Yangi nashr. 2011; Oral History and how youth and adults learn from the past // Closing the books or keeping them open? – Bonn, 2011.

тадқиқотлардан бири К. Калонов<sup>1</sup>га тегишли бўлиб, унда оғзаки тарих методини ижтимоий-гуманитар фанлар тизимидаги аҳамиятини социология ва тарих фанларининг кесишмасида ёритиб беришга ҳаракат қилган. Жумладан, тадқиқотчи ўз ишида “социал макон” ни ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб олиб, тарихий вазиятнинг социал жиҳатларини тадқиқ этиш ва баҳолашда оғзаки тарих усулини аҳамиятини<sup>2</sup> кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

К. Калоновнинг Д. Ашурова<sup>3</sup> билан ҳаммуаллифликда нашр этган мақоласида, муаллифлар ўз олдиларига оғзаки тарихнинг назарий ва амалий масалалари ва илмий тадқиқотлардаги ўрни ва аҳамиятини ёритишган. Мазкур икки тадқиқотда оғзаки тарих методини кенг ёритиб беришга ҳаракат қилинган бўлсада, муаллифлар оғзаки тарихга кўпроқ сотсиологик нуқтаи назардан ёндошган бўлиб, мақолада оғзаки тарихий-тадқиқот олиб бориш усул ва услубларини очиб берилмаган.

Оғзаки тарих бир неча фанлар кесимидаги метод бўлганлиги боис, мазкур янги йўналиш юртимизнинг бир қанча этнолог тадқиқотчиларнинг ҳам илмий изланишлари объектларидан бирига айланган. Шундай тадқиқотлардан бирини Фарғона давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди Ҳ.Раҳматиллаевнинг “Фарғона водийси аҳолисининг этнодинамикаси (XIX аср охири – XX аср)” китобида кузатиш мумкин. Тадқиқотчи Фарғона водийсидаги аҳоли таркибидаги динамик ўзгариш сабабларини оғзаки тарих усулидан унумли фойдаланган ҳолда ўрганган. Тадқиқотга кўра, Фарғона водийсининг Ўзбекистон қисми қишлоқ аҳоли жойларида руслар ва татарларнинг сони сезиларли даражада ортган. Агар 1926 йилда руслар 0,3 % ташкил этган бўлса, XX асрнинг 90-йиллари бошларида уларнинг улуши 10 баробарга ортган. Татарларнинг улуши 0,04 % дан 1,1 % гача кўтарилган. Бу аҳоли вакилларининг сезиларли даражада

<sup>1</sup> Калонов К. Социал маконда “Оғзаки тарих” усулидан фойдаланишнинг аҳамияти // *Ўзбекистон тарихи*. -Т., 2012. № 3-4 сон.

<sup>2</sup> Ўша асар...Б. 108.

<sup>3</sup> Калонов К., Ашурова Д. Оғзаки тарих ва унинг социал аҳамияти // *Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари*. Илмий мақолалар тўплами. – Т.: 2011.

ортиши қатор сабаблар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг энг асосийси “қулоқлаштириш”дан қочиш, иш топишга ва моддий аҳволни яхшилашга, бирмунча қулай иқлим шароитида яшашга интилиш бўлган<sup>1</sup>.

Шунингдек, янги ҳисобланган этник гуруҳ – корейсларнинг пайдо бўлиши ҳам миграция билан изоҳланади. Корейслар Фарғона водийсига Узоқ Шарқдан Уссури ўлкасидан келган ва бу ерларга 1863 йилдан XX асрнинг 20-йилларига қадар кўчиб келган корейсларнинг авлодлари ҳисобланади. Миграциянинг сабаби муҳтожлик ва очлик, кейинчалик эса – япон мустамлакачи маъмурияти томонидан таъқиб қилиниши бўлган. 1893 йилда Россия худудига кўчиб келган корейслар Россия фуқаролигини ола бошлаганлар. Шунингдек, Фарғона водийсига корейсларнинг дастлабки гуруҳи 20-йилларда кўчиб келган эди. 30-йилларнинг 2-ярмидан корейсларнинг Узоқ Шарқдан дастлаб Қозоғистонга, кейинчалик эса Ўзбекистонга, жумладан, Фарғона водийсига оммавий кўчиши рўй берган<sup>2</sup>. Демак, шу каби маълумотлар оғзаки сўровномалардан унумли фойдаланилган ҳолда йиғилганлигини кўриш мумкин .

Водийга кўчиб келган меҳнаткаш корейс халқи ўзларининг анъанавий хўжалик фаолияти – шоли етиштириш билин шуғулланишган ва кейинчалик пахта экишни ўрганишади . XX асрнинг охириги ўн йилликларида оммавий пайдо бўлган мавсумий полиз миришкорларини корейслар “қобондалар”, деб аташади. Фаолиятнинг бундай тури ижара пудрати шакли, яъни бозор муносабатларига асосланган хусусий тадбиркорликдир. Корейсларнинг кўчириб келтирилганидан сўнг водийда ўрнашиб олишгунча анча қийинчиликларни бошдан кечирганликларини билишимиз мумкин<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Раҳматиллаев Х Фарғона водийси аҳолисининг этнодинамикаси (XIX аср охири – XX аср ). – Т : Янги нашр,2013. Б .47.

<sup>2</sup> Раҳматиллаев Х Фарғона водийси аҳолисининг этнодинамикаси (XIX аср охири – XX аср ). – Т : Янги нашр,2013. Б .47.

<sup>3</sup> Сухбат ўтказилган ахборотчи: Ким Владимир Григоревич, 1952 йил туғилган, миллати корейс, Фарғона шахри. (Сухбатни Б.Ю.Хайдаров ёзиб олган)

Ҳозирги кунда оғзаки маълумотлардан унумли фойдаланиш ҳамда Ўзбекистонда ушбу методнинг жаҳон тажрибасидек ривожланишга олиб чиқиш долзарб саналади. Бу эса ушбу метод доирасида тадқиқот олиб борувчиларнинг фаолияти билан боғлиқ. Оғзаки йиғилган маълумотлар орқали авлодлар ўртасидаги бой тажрибадан фойдаланиш имкони мавжуд. Масалан биринчи ва иккинчи жаҳон урушини ҳозирги ўсаётган ёш авлод фақатгина дарслик ва айнан шу даврни ёритувчи китоблар орқалигина билишлари мумкин. Лекин бу урушларнинг даҳшати ва оқибатларини янада жонли ҳис қилиш учун, шу даврни бошидан кечирган аҳоли вакилларининг хотираларидан фойдаланиш мумкин. Фронтда хизмат қилган кексаларнинг хотиралари ёзиб олинганда “Урушнинг дастлабки кунлариданоқ оғир турмуш шароитига кўникишга ва ғалаба учун астойдил меҳнат қилишга мажбур бўлишгани, жанг пайтида қахрамон бўлиш учун эмас, душманни йўқ қилиш ва тирик қолиш учун ҳаракат қилинганлигини айтишади<sup>1</sup>. Шу каби маълумотлардан педагогик жараёнда ҳам фойдаланилганда яхши самара беради.

Тадқиқотнинг ушбу қисмига хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, оғзаки тарих янги илмий фанлар сирасига кирмай, балки, турли ижтимоий-гуманитар фанлар кесимида тадқиқот материалларини тўплашнинг янги тадқиқот методи йўналишларидан биридир. Ушбу метод тарихни ўрганишда ўзига хос ўринга эга бўлиб, оғзаки манбалар ўз хусусиятига кўра бирламчи ёки иккиламчи манбавий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Ҳозирга қадар оғзаки тарихнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўзида ифода этувчи тадқиқотлар турли мамлакатларда шу жумладан Ўзбекистонда ҳам нашр этиб борилмоқда.

---

<sup>1</sup> Сухбат ўтказилган ахборотчи: Мўминов Орипжон 1926 йил туғилган, Фарғона тумани, Пахтакор кўчаси, 39- уйда яшайди. (Сухбатни Ш.Ю.Охунжонова ёзиб олган)

## **II боб. Тадқиқотларда оғзаки тарих материалларидан фойдаланиш**

### **2.1. Оғзаки тарих материалларини тўплаш ва таҳлил қилиш усуллари**

XX асрдан бошлаб хориж тарихчилари оғзаки гувоҳликларнинг манба сифатидаги аҳамиятини тан олган ҳолда, оғзаки манбаларни тарихий ҳужжатларга (овозли ва ёзма) айлантириш ва тарихий-илмий тадқиқот олиб бориш методикасини ишлаб чиқдилар. Мазкур услуб бир қатор босқичларни ўз ичига олади:

- 1) тарихий-илмий интервьюни режалаштириш;
- 2) интервью ўтказиш;
- 3) транскрибациялаш;
- 4) шарҳлаш ва таҳлил қилиш;
- 5) архивлаш.

Ушбу услуб бўйича материал йиғиш ва таҳлил этишнинг биринчи босқичида тадқиқотнинг асосини ташкил этадиган бир қатор ишлар амалга оширилади. Хусусан, а) тадқиқотнинг мавзуси, мақсад ва вазифаларини аниқлаб олиш; б) мавзуга оид маълумотларни тўплаш ҳамда адабиёт ва манбаларни ўрганиш; в) сўровномалар ва саволлар тузиш; г) респондентларни топиш, танлаш ва уларга тадқиқотнинг мақсадини тушунтириш, шунингдек, тадқиқот натижалари изланувчи томонидан ўзига хос талқин этилиши, нашр этилиши ва архивланиши ҳақида маълумот бериб, бунга унинг розилигини ёзма ёки оғзаки тарзда олиши лозим.

Иккинчи босқичда, респондент билан бевосита интервью ўтказиш. Бунда жавобларни олдиндан ўйлаб олиш ва ўзидан дастлабки эмотсионал баҳолашни кечириб олиши учун респондентни саволлар билан аввалдан таништириш, автобиографик матнлар, хатлар, расмлар, ашёлар ва бошқа

шунга ўхшаш ёрдамчи материаллар мавжудлиги ҳақида сўраш<sup>1</sup>. Интервью давомида суҳбатдошини мавзуга йўналтириб туриш ва бошқалар. Чунки респондент бераётган маълумотлар унинг хотиралари бўлгани ва бевосита ҳаёти билан боғлиқлиги боис, у мавзудан чалғиб қолиши мумкин.

Учинчи босқичда, аудио-видео техникаси ёрдамида ёзиб олинган овозли материалларни сўзма-сўз ёзма матнга таржима қилинади (транскрибация).

Тўртинчи босқичда, бир мавзу бўйича бир нечта респондентдан тўпланган маълумотларни ўзаро қиёслаб таҳлил қилинади. Сўнг ёзма манбалар билан таққослаб танқидий таҳлил қилинади ва ўз изоҳларини қайд этади.

Бешинчи босқичда, тўпланган овозли тасма, расшифровка, матнли ва кўرғазмали ёрдамчи материалларни биргаликда архивланади. Мазкур архив интервьюнинг тугал фикрини тақдим этиш учун етарлича ахборотли маълумотларни ўзида сақламоғи керак<sup>2</sup>.

Бизга маълумки, беш хил интервью тури мавжуд: биографик (life-story), генеологик (family-tree), муаммовий (single-issue), кундалик (daily) ва гуруҳий (focus group discussion).

Оғзаки тарих методида эса интервью турлари хилма-хил бўлиб, тадқиқотчи вазиятга, суҳбатдошга қараб интервью турини осонгина алмаштириши мумкин. Интервьюлар мазмун-моҳиятига, сўровнома турларига кўра, маълум бир муаммога бағишланган тематик ёки биографик бўлиши мумкин.

Мавзубоп интервьюларда тадқиқот дастурларига, саволларга қатъий амал қилинади. Шу сабабдан кўпчилик тарихчилар айнан шу интервью туридан кенг фойдаланиб, ўзлари шуғулланаётган тарихий муаммоларни

---

<sup>1</sup> Сабилов А.Т. Устная история (Oral History): от строикографических традиций комплексному источниковедению... – Б. 64.

<sup>2</sup> Сабилов А.Т. Устная история (Oral History): от строикографических традиций комплексному источниковедению... – Б. 64.



чуқур, кенг очиб берадиган маълум бир саволлар асосида иш олиб боришади.

Биографик интервью эркин шакл асосида шакллантирилиб, мазкур усул асосида сиёсатчилар, олимлар, ёзувчилар, давлат ва жамоат арбобларининг ҳаёт ва фаолиятларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Биографик интервью методи соҳаси мутахассисларидан бири бўлган Вернер Фукс-Хайнритц биографик интервьюни лейтмотив ва ҳикоя (нарратив) турларга бўлади. Лейтмотив интервью ўз хусусиятига кўра бир соҳага оид бўлган респондентлардан сўров ўтказишни тақазо этади. Ҳикоя тарздаги интервьюда эса респондент ўзи эркин гапиради тадқиқотчи эса суҳбатдошининг гап тугаши билан унга қўшимча саволларни бериб уни яна суҳбатга тортади<sup>1</sup>.

Алоҳида айтиш лозимки, тарихий тадқиқотни ўтказишда овоз ёзиб олувчи техникаларнинг мавжуд бўлиши асосий шартлардан саналади. Зеро, оғзаки тарих методининг илмий йўналиш сифатида вужудга келиши ҳам айнан маълумотларни овозли ва кўринишини ёзиб олиш имкони вужудга келиши билан боғлиқдир. Қолаверса, бугунги кундаги рақамли ёзиб олиш мосламасида олинган маълумотларни ёзма матнга таржима қилишга ёрдам берадиган транскрибловчи компьютер дастурлари мавжуд.

Америкалик тарихчилар интервьюга ҳозирлик кўришга алоҳида аҳамият қаратиб, гоҳида уни мустақил босқич сифатида ажратиб кўрсатишади. Бу ҳолат хориж методикасининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳолатда интервью икки мустақил босқичдан (икки учрашувдан) иборат бўлади. Фарб тадқиқотчилари биринчи интервью – учрашувни «интервью олди» деб номлашади. Унинг мақсади респондент билан алоқага чиқиш ва ўзаро ҳамфикрликка келиш сифатида баҳолашади. «Интервью олди» босқичида корреспондент ўз тадқиқот мақсадларини

---

<sup>1</sup> Фукс-Хайнритц В. Биографический метод // Биографический метод в социологии: история, методология и практика / Под. ред. Е. Ю. Мешериной, В. В. Семеновой. - М., 1994. - С. 27.

тушунтириши, интервью шартларини муҳокама қилиши лозим. Интервью бошида муаллифлик ҳуқуқи ва материаллар билан бошқа тадқиқотчилар ҳам фойдаланиши масаласини келишиб олиши керак. Иккинчи босқичда (учрашувда) асосий мавзу юзасидан интервью олинадиган<sup>1</sup>.

Интервьюни мукамал амалга ошириш учун қуйидагиларни билиши ва амалга ошира олиши лозим. Хусусан:

- *айнан нимани сўрашни* (бунинг учун ўрганилаётган давр, воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги билимга эга бўлиши лозим);
- *қандай сўрашни* (муомала психологияси, ахлоқ талаблари);
- *кимдан сўрашни* (бунда этник ва ижтимоий келиб чиқишини, ёши ва диний характерларини, маълумотлилиги даражаси ва саломатлигини инобатга олиши лозим);
- *қандай саволларни сўрашни* (бунинг учун яхши ишланган саволнома бўлиши зарур );
- *суҳбатни қаерда олиб боришни* (шароит, вақт ва жойни ҳисобга олиш);
- *маълумотларни қайта ишлашни* (оғзаки маълумотларни транскрибациялаш ва ҳужжатлаштиришни).

Оғзаки тарих йўналиши мутахассислари ўзларининг тажрибаларидан келиб чиқиб, респондентларнинг ёши, жинси, психикаси, характери ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб ўзларининг муомала қоидаларини ишлаб чиққанлар. Бу қоидаларга кўра айтиш мумкинки, ретроспектив тарихий-илмий маълумотларни асосий қисмига эга бўлган интервью объектлари бу – ёши улуг инсонлар саналади. Шу сабабдан бундай суҳбатдошларга нисбатан алоҳида ёндашув керак бўлади. Етмиш ёшдан ўтган аксарият одамлар мулоқот этишмовчилигини ҳис этишади ва шу сабабдан улар сергап бўладилар. Бошқалари аксинча одамови ва ичимдагини топ каби бўлишади. Шуларни инобатга олиб, кекса ёшдаги

---

<sup>1</sup> Щеглова Т.К. Устная история (учебное пособие) – Барнаул, 2010.... – С. 102.

респондентлар билан суҳбатлашганда, интервью вақтини чегаралаш мумкин эмас, аввал уларга ўз гапларини гапириб олишга имкон бериб, сўнг олдиндан тайёрланган саволлар берилади<sup>1</sup>.

Айрим респондентлар берилган саволларга жавоб беришдан кочишади, буни сўралаётган воқеалар ёки инсонлар ҳақидаги маълумотлар хотираларидан ўчганлиги билан изоҳлашади. Уларнинг бундай тутишлари мазкур воқеаларга бўлган муносабатларини ифодалайди. Америкалик тарих фанлари профессори Р. Доел фикрича, интервью олаётган тадқиқотчи суҳбатдошнинг бу каби реакцияларини ўзининг ён дафтарчасига «ҳаяжонланмоқда», «қизариб кетди», «юзи тиришмоқда» ва шунга ўхшаш изоҳлар билан қайд қилиб қўйиши лозим<sup>2</sup>. Шу билан бирга интервью давомида респондент тилга олган техник атамалар, номаълум номлар, нотаниш исмлар, сана ва рақамларнинг рўйхатини тузиш тавсия этилади. Суҳбат сўнгида, респондентдан мазкур қайдлар ҳақида сўраб олинади. Мазкур маълумотлар интервью матнининг транскрибация қилиш жараёнида асқотиши мумкин.

Мавзу юзасидан тузилган саволларнинг дастлабкилари кенг ва қийин бўлмаслиги лозим. Бу респондентни қийнаб қўйиши мумкин. Шу сабабдан суҳбатни аввало ҳол-аҳвол сўрашдан, норасмий қисқа саволларни беришдан бошлаш самаралироқдир. Айтиш лозимки, илмий ёзиб олиш ва тарихий ҳужжатни яратишнинг асосий шартларидан бири бу респондент ҳақида маълумот тўплаш ва ўзига хос паспортини тузиш лозим. Оддий паспорт куйидаги бандлардан иборат бўлади:

- *Ф. И. Ш.*
- *Тузилган йили.*
- *Тузилган жойи.*
- *Маълумоти ва касби.*

---

<sup>1</sup> Мокрова М.В. Устная история науки: от историографических традиций к комплексному источниковедению.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук.- М., 2004.- С. 149.

<sup>2</sup> Валькова О.А., Каримов А.Э. Российско-американский мастер-класс по «устной истории науки» //Вопросы истории естествознания и техники. 2000. №2.- С. 200.

- *Қаерда ва ким бўлиб ишлаган ёки ишламоқда (нафақага чиққан бўлса қачондан).*
- *Манзили ва боғланиш учун маълумотлари.*

Бу бандлар фақатгина асосий маълумотларни ўз ичига олган бўлиб, бундан ташқари ёши, жинси, оилавий аҳволи, эътиқоди, ижтимоий аҳволи, этник мансублиги ва бошқалар. Кўпчилик ғарб мутахассислари интервью давомида расмийлик бўлишига қарши чиқишади. Бу ҳолда оғзаки тарих респондентнинг монологи, ҳикоя сифатида қабул қилинади<sup>1</sup>. Россиялик мутахассислар эса ўзларининг методик қўлланмаларида интервьюни мажбурланмаган шароитдаги диалог – ўзаро ишончли суҳбат сифатида характерланади<sup>2</sup>.

Қисқа саволлардан сўнг, асосий қисмга яъни тадқиқот учун зарур бўлган саволларга ўтиш мумкин. Мазкур интервью имкон қадар 40-50 дақиқадан ошмаслиги тавсия этилади. Чунки кейинги сўровлар самара бермаслиги мумкин. Агар суҳбатдош яна гапиришни истаса ва у тўғри йўналишда кетаётган бўлса у ҳолда бу суҳбат 2-3 соатгача ҳам давом этиши мумкин.

Суҳбат тугагач ҳар бир аудио ёки видео кассетага маълумотлар ёзилган карточка қўйилиши шарт. Маълумотлар қуйидагилардан иборат бўлиши керак мисол учун:

*Болтаев Анвар Сарварович, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри (агар уругини номини билса у ҳам ёзилади). 1940 йил Фарғона шаҳрида туғилган. ФНҚИЗ заводи ишчиси, сеҳ бошлиги... Суҳбатда хотини Болтаева Нигина Каримовна иштирок этди. Суҳбат А.С. Болтаев уйида 105 дақиқа (15:45-17:30) давом этди. 09.07.2012. 1-қисм. (интервьюни С.К. Тўлаганов олиб борди, И.Г. Дониёров ёзиб олди).*

<sup>1</sup> Мокрова М.В. Устная история науки: от историографических традиций к комплексному источниковедению.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук.- М., 2004.- С. 149.

<sup>2</sup> Щеглова Т.К. Устная история (учебное пособие)... – С. 102.

Ушбу бўлимга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тарихий-илмий интервью ўтказиш ўзига хос талабларга эга ҳисобланади. Жумладан, тадқиқотчи суҳбат ўтказиш психологиясидан хабардор бўлиши, ўрганилаётган мавзунини пухта билиши, респондентларни танлай билиши, саволларни илмий жиҳатдан мукамал, лекин, респондентни қийнамайдиган қилиб тузиши лозим. Шу билан бирга суҳбат давомида ахлоқ кодексларига амал қилиши ва яхши тингловчи бўлиши талаб этилади. Тадқиқотчилар юқорида келтирилган шартларга амал қилса, оғзаки тарих асосидаги тадқиқотлар самарали бўлишига кафолат бўлиши мумкин.

## **2.2. Тадқиқотда оғзаки тарих материалларидан фойдаланиш**

Аудио-видео тасмаларга ёзиб олинган материалларнинг илмий муомалага кириши ва нашр этирилиши учун оғзаки нутқ шаклидан ёзма шаклга таржима қилиниши лозим. Бу жараёни илмий тилда транскрибация деб аталади. Мазкур жараёнда бир қатор меъёрларга амал қилиш талаб этилиб, оғзаки материалларни ҳужжатлаштириш мана шу талабларнинг бажарилишига боғлиқ саналади. Зеро, айнан оғзаки тарих материалларини ҳужжатлаштиришда тадқиқотчи энг кўп хатоларга йўл қўяди ва бу мазкур тадқиқот ишини бекор бўлишига олиб келади.

Оғзаки тарихда оғзаки тарихий манбаларнинг ёзма шаклини ифода этиш учун *транскрипт* атамаси ишлатилади. Аудио-видео ҳужжатларни илмий-ахборот шаклида рамийлаштириш ва транскриптни ҳужжатлаштириш жараёни яқунлаб беради. Оғзаки тарих материалларини ҳужжатлаштириш – бу аудио ва ёзма манбаларни ҳужжат шаклига келтириш демакдир.

Транскрибация жараёни жуда мураккаб иш бўлиб, у тадқиқотчидан ниҳоятда диққатли бўлишини талаб этади. Зеро, йўл қўйилган кичик хато маълумотларнинг бузилишига олиб келади. Шундай бўлсада, оғзаки тарих

мутахассислари оғзаки тарихий манбаларнинг ёзма шаклини бўлишини афзал кўришади. Сабаби, ёзма ҳужжат билан ишлаш қулай бўлиши билан бирга сақлаш ҳам осон саналади. Шу сабабдан оғзаки тарих методида фаолият олиб бориш истагида бўлган тадқиқотчи транскрибация қилиш усуллари пухта ўрганиб олиши талаб этилади. Зеро, транскрибация бу техник оператсия бўлиш билан бирга, диққатлилики талаб этади.

Интервью материалларини транскрибация қилиш жараёнида оғзаки нутқда саводсизлик кузатилса ҳам тадқиқотчи ёки транскрибация қилувчи шахс томонидан матни таҳрир қилиш тақиқланади. Агар тушунарсиз сўзлар бўлса уларни интервью давомида сўраб аниқлик киритиб олиниши керак. Қўйилган ҳар бир нукта ёки вергул респондент айтмоқчи бўлган гапнинг мазмунини ўзгартириб юбориши мумкин. Бу ҳолда мазкур ҳужжат ўзининг манбавий хусусиятини йўқотади.

Интервью олиб бораётган тадқиқотчи суҳбатни техник ёзиб олиш билан биргаликда ёзма шаклда ҳам қайд этиб бориб, гувоҳликларнинг таянч чизмаларини тузиб бориши керак, бу аннотация дейилади. Бевосита ёзиб олишнинг бундай шакли ҳужжатни якуний расмийлаштириш учун керак бўлади. Мазкур қайдномага имкон қадар исм ва шарифлар, географик номлар, аҳоли яшаш жойларининг номлари, кўча номлари ва бошқа шунга ўхшаш муҳим гапларни ёзиб олиши керак.

Транскрибация жараёнининг ўртача вақти С.С. Илизаров ва М.В. Мокроваларнинг фикрича, 1 соат аудио-видео ёзувни матнга таржима қилишга 5 соат атрофида вақт кетади<sup>1</sup>. М.В. Лоскутованинг маълумотларига кўра – 6 соатдан 8 соатгача вақт кетиши мумкин<sup>2</sup>. Бунга транскриптни интервью билан солиштиришга кетадиган вақт киритилмаган<sup>3</sup>.

Оғзаки тарих амалиётида ҳозирга қадар транскрибация жараёни билан ким шуғулланиши лозим, деган масалада ягона фикрга келинмаган. Яъни

---

<sup>1</sup> Мокрова М.В. Устная история науки: от историографических традиций к комплексному источниковедению.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук.- М., 2004.- С. 150.

<sup>2</sup> Хрестоматия по устной истории.- СПб.: Изд-во Европ. ун-та в С. Петербурге, 2003.-С.95.

<sup>3</sup> Щеглова Т.К. Устная история (учебное пособие)... – С. 145.

фақат интервью олган тадқиқотчими ёки мазкур интервьюда иштирок этмаган аммо оғзаки тарих лойиҳасида иштирок этаётган иштирокчи ёхуд ёлланган мутахасис ҳам буни амалга ошириши мумкинми. Оғзаки субъектив материални транскрибация жараёнида нотўғри талқин этилишини олдини олиш мақсадида бу жараёнда интервью олган шахснинг бевосита иштироки талаб этилади. Бироқ катта миқдорда ўтказилган сўров материалларини ёзма матнга ўгиришда учинчи шахсларни жалб этишни тақазо этади. Бу ҳолда оғзаки тарихчиларнинг бутун жамоси транскрибациянинг ягона стандартларини ишлаб чиқишлари керак (белгилар тизимини, қисқартирмаларнинг ягона қоидасини ва бошқалар).

Матн тушириладиган қоғознинг чап томонидан варақларни тикиб қўйиш учун 2,5-3 см жой ташлаб кетилади. Матн қоғозида икки майдон бўлиб, бирида интервью материаллари, иккинчи томонда эса интервью олган шахснинг қайдлари туширилади.

Расмийлаштирилган матн зарур ҳолларда (ғарб амалиётида мажбурий) респондентга ўқиб чиқиши учун берилади. Агар интервью берган шахс айрим фикрларидан қайтган бўлса, у ҳолда унга буни тўғирлашга имкон берилади. Респондентнинг расмийлаштирилган матнга эътирози бўлмаса матн остига имзо чекади. Хужжатлаштириш аудио манбага ва транскриптга илмий-маълумотнома тузиш билан якунланади.

Транскрибация жараёни мураккаб жараён бўлиши билан бирга, оғзаки тарихий манбалар яратишнинг якунловчи босқичи саналади. Овозларни матнли хужжатга ўтказишда, овозлар тембри, қўл ҳаракатлари, сукунатни ва бошқаларга маълумотларни ифода этишда қавслардан фойдаланилади<sup>1</sup>. Матн холига келтирилмаган овозли хужжатлар яхши ҳимояланмаган, қолаверса, оғзаки тарихий манбаларнинг транскрипти тадқиқотчилар фойдаланиши ва ишлаши учун қулай саналади. Аммо оғзаки тарихий манбаларнинг ишончли бўлиши учун транскрипт ва ёзиб олинган овозли шаклининг бирга бўлиши

---

<sup>1</sup> Сабилов А.Т. Устная история (Oral History): от стенографических традиций комплексному источниковедению... – Б.66.

афзалроқдир. Чунки, матнга видео тасмада акс этган респондентнинг эмоционал ҳолати, хатти-ҳаракатлари, мимикаларини ифода этиш қийин. Шу сабабдан тадқиқотчи барча материаллардан самарали фойдаланса мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда оғзаки тарих методи асосидаги тадқиқотларнинг кенг тус олаётган бир пайтда, оғзаки тарихий манбаларни йиғиш, архив материаллари фондларини шакллантириш ва сақлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шу сабабдан хорижий мамлакатларда мазкур турдаги манбаларни архивлашнинг метод ва тамойилларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Ўзбекистонда эса оғзаки тарих методининг ҳозирча оммалашмаганлиги боис оғзаки манбаларни сақлашнинг аниқ тамойиллари ишлаб чиқилмаган.

Оғзаки тарих методи асосида изланиш олиб бориш истагида бўлган тадқиқотчилар яратишаётган оғзаки манбаларнинг аҳамиятини англаган ҳолда, кейинчалик давлат архивларига топширишга шароит яратишлари керак бўлади. Ўз навбатида архивчилардан аудио-видео материал ва транскрипт шаклидаги оғзаки манбаларнинг ҳуқуқий жиҳатларини, қабул қилиш, сақлаш ва кейинчалик фойдаланувчиларга тақдим этиш томонларини ишлаб чиқишлари лозим бўлади.

Оғзаки тарихий манбаларни ҳисобга олиш ва сақлашни тизимлаштиришни респондентлардан интервью олиш жараёнидаёқ бошлаш керак. Бунда ҳар бир ёзиб олинаётган кассета ёки рақамли ёзиб олувчи мосламани осон идентификатсиялаш лозим. Бунинг учун ҳар бир интервьюдан сўнг респондент ва интервью ўтказаётган шахс ҳақидаги маълумотлар ёзиб олувчи қурилмага ёзиб олиниши керак. Шунингдек, интервью материаллари ҳақидаги маълумотлар техник ёзиб олиш билан бир вақтда ёзма аннотация шаклида ҳам битилади. Мана шу аннотация кейинчалик архивга бошқа манбалар билан бирга тақдим этилади.

Оғзаки архивларда материалларни қабул қилиб олинишини қайд қилиб олувчи журнал ёки рўйхатга олувчи карточка ишлатиш лозим. Унда



тадқиқотчилар ва ташрифчилар билан ишлаш учун фонд рўйхатлари тузилади. Мазкур хужжатларда стандарт материаллар ёзиб борилади, яъни: ҳар бир интервьюларни ким ўтказгани, интервью қаерда ва қачон ўтказилгани, интервью олган шахс ва респондет ҳақидаги маълумотлар ва ҳ.к. Ушбу рўйхат дафтарларининг шакли қуйидагича бўлиши мумкин<sup>1</sup>:

|          |                     |                                |  |  |   |                          |
|----------|---------------------|--------------------------------|--|--|---|--------------------------|
| №<br>к/в | № сақлов<br>бирлиги | Материал<br>қаерда<br>йиғилган | Материал<br>кимдан<br>қабул<br>қилинди | Ким,<br>қаерда,<br>қачон<br>сўров<br>олиб<br>борди | Хужжатнинг<br>номи.<br>Қисқача<br>мазмун<br>(аннотация) | Келиб<br>тушиш<br>санаси |
|----------|---------------------|--------------------------------|--|--|---|--------------------------|

Ёки оғзаки тарихнинг аудио-видео материалларининг рўйхатга олиш китоби қуйидаги шаклда бўлиши мумкин:

|     |                 |                    |                                       |                                |                           |                           |  |             |
|-----|-----------------|--------------------|---------------------------------------|--------------------------------|---------------------------|---------------------------|--|-------------|
| Т/р | Кирим<br>санаси | Хуж<br>жат<br>номи | Ёзиб<br>олин<br>ган<br>жой ва<br>сана | Кўрини<br>ши<br>(ранг,<br>к/о) | Миқдори                   |                           | Матнли<br>хужжатлар<br>га<br>иловаларн<br>инг<br>таркиби | Изоҳ<br>лар |
|     |                 |                    |                                       |                                | Рўй<br>хат<br>бирли<br>ги | Сақ<br>лов<br>бирли<br>ги |  |             |

Шунингдек, «оғзаки архив» описларига интервью неча соатдан иборатлиги, овоз сақловчи қурилмаларнинг тавсифи (магнитофон пленкалари, уларнинг сони, рақамли ёзиб олувчи, диск тури), оғзаки тарих хужжатининг ёзма шакли бор-йўқлиги, транскрибация ким томонидан ва қачон ўтказилганлиги каби маълумотлар киритилиши лозим. Қолаверса керакли интервьюни қидириш тизимини осонлаштириш мақсадиди ҳар бир

<sup>1</sup> Щеглова Т.К. Устная история (учебное пособие)... – С. 156.

касsetага архив рақами қўйилади. Ҳар бир аудио-видео кассеталар қутисига маълумотнома киритиб қўйилади<sup>1</sup>. Умуман олганда оғзаки тарих материалларини тўлақонли архивлашда қуйидаги талабларни инобатга олмоқ лозим:

- моддий-техник базанинг мавжудлиги, шу жумладан, архив ҳужжатларини сақлаш ва фойдаланиш талабларига жавоб берувчи бинолар, керакли қурилмалар, ёнғинга ва қўриқлашга керак бўладиган ашёларнинг бўлиши;
- оғзаки мемуар материалларни ўзида сақловчи қурилмаларнинг аслининг нусхаларининг резервларининг мавжудлиги;
- ҳужжатларнинг илмий-маълумотнома аппарати тизимини ташкил этиш;
- маълумотларни ўқиш учун зарур бўлган материал-техник базанинг бўлиши, зеро, адекват технологияларсиз электрон ҳужжатлар оддий файл бўлиб қолаверади<sup>2</sup>.

Оғзаки тарихий манбалардан архивларда фойдаланиш ва интервьюлардаги керакли материалларни топишни осонлаштириш мақсадида картотека кўринишидаги алоҳида каталоглар тузиш керак бўлади. Уларда йиғилган интервьюларнинг қисқача мазмуни ифода этиши лозим. Шунингдек, оғзаки тарих архивларида ишлаш мақсадида, ҳар бир ёзиб олинган ҳужжатлар бўйича қисқача аннотация тузиш тавсия этилади. Хориж амалиётида бу ишни тадқиқотчиларнинг ўзлари амалга оширишади. Мазкур аннотация шаклидаги таъриф ва тавсифларда респондент гапларида кўп учраган исмлар, аҳоли пунктларининг номлари ва бошқа маълумотларни кўрсатиб ўтиш фойдали. Чунки бунда тадқиқотчи хатто тасаввур ҳам қилолмаган ҳолатга, яъни, турли интервьюлардаги ўхшашликларни аниқлаш имконини келтириб чиқариши мумкин. Керакли

---

<sup>1</sup> Мокрова М.В. Устная история науки: от историографических традиций к комплексному источниковедению.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук.- М., 2004. С. 181.

<sup>2</sup> Ўша асар...Б. 79.

маълумотларни топишнинг осонлаштиришнинг яна бир йўли, маълумотчиларнинг карточкаларини яратиш керак. Бунда ҳар бир респондентга карточка тузилиб, унда унга тегишли бўлган маълумотлар киритилади. Жумладан, анкетаси, ёзишмалари, ҳужжатлар, хатлар ва ҳ.к. Кўпчилик хорижий оғзаки тарих марказларда мазкур карточкаларга респондентнинг қабул қилиб олинган материаллардан фойдаланишга розилиги ҳам киритилади.

Оғзаки тарихий манбаларни ҳужжатлаштириш ва архивлаш ишлари оғзаки архивни ишлаш регламентини шакллантириш билан якунланади. Бу ўз ичига қуйидаги параметрларни ўз ичига олади: вақт, жой ва ҳужжатлар билан ишлаш шартлари. Бунда энг муҳим ва қийин масалалардан бири бу интервью материалларига тадқиқотчиларни киритиш масаласидир. Бу масалани эчишда икки нарсада аниқлик киритиб олиш лозим: интервью материалларидан фойдаланишга маълумотчининг ва интервью олган шахснинг розилигини олиш. Буни турли давлатларда турлича ҳал этишади, ammo ҳар қандай ҳолатда ҳам тадқиқотчи оғзаки архив ҳужжатларидан фойдаланишида ссылка ва ҳаволаларни расмийлаштириши шарт. Унда фонд, иш, бет рақамлари ёки аудиотасмаларнинг соат ва дақиқалари кўрсатилади<sup>1</sup>.

Ушбу бўлимга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, оғзаки тарих методининг асосини интервью ташкил этсада, интервьюдан кейинги босқич яъни овозли маълумотларни транскрибациялаш ва архивлаш ҳамда уни таҳлил ва талқин этиш ҳам мазкур методнинг мураккаб ишларидан саналади.

Интервью ўтказишнинг мураккаблиги бу – ўрганилаётган мавзуни чуқур билиш, саволларни тўғри тузиш, респондентни тўғри танлаш ва унга тил топа олиш билан изоҳланади. Транскрибация жараёни эса аввало сабрни ва катта маблағни талаб этиб, йўл қўйиладиган биргина хатто оғзаки манбани ишончлилигига путур этказиши билан изоҳланади. Архивлашдаги

---

<sup>1</sup> Щеглова Т.К. Устная история (учебное пособие) – Барнаул, 2010.. – С. 160.

кийинчиликлар эса бугунги кунгача ягона стандартнинг мавжуд эмаслиги ва давлат архивларини мазкур турдаги ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва сақлашларининг юридик жиҳатларининг ишлаб чиқилмаганлиги билан изоҳланади.

Бугунги кунда оғзаки тарих жамланмалари ўзининг мазмунига кўра беш гуруҳга бўлинади: 1) биографиялар; 2) ижтимоий, профессионал, этник гуруҳлар; 3) институтлар ва ташкилотлар; 4) штатлар ва шаҳарлар тарихи; 5) муаммолар ва воқеаларнинг таърифлари<sup>1</sup>дир. Шу каби архив материалларидан фойдаланишда архив томонидан тузиб чиқилган картотекалардан фойдаланилади. Оғзаки тарих архивларини ташкил этишнинг метод ва тамойилларининг мукамал варианты ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки, оғзаки тарих методи бугунги кунда тарихий тадқиқотлар олиб боришда кенг фойдаланилмоқда. Тўпланаётган оғзаки манбаларни тадқиқотчиларга ва кенг оммага этказиш эса архивларнинг аралашувисиз бўлмайди. Шуларни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, оғзаки тарих методи тарихий воқеаларнинг ўрганилмаган қирраларини ўрганишда ўзига хос ўрни бор. Шундай экан, архивларда ўзида оғзаки тарих ҳужжатларини сақловчи бўлимларни ташкил этиш долзарб масалалардан саналади.

### **2.3. ” Оғзаки тарих” материаллари тарихий манба сифатида**

Оғзаки тарих муҳим тарихий маълумотларни олиш усули сифатида кўпчилик томонидан тан олинисига қарамай, ҳозиргача ушбу метод устида тадқиқот олиб бораётган тарихчилар ичида оғзаки тарихга оид манбаларнинг тарихий тадқиқотчилик ишларида қанчалик аҳамиятга эга эканлиги юзасидан бир қарорга келинмаган. Шу билан бирга мазкур

---

<sup>1</sup> Блоштейн Е.А., Гармаш В.Н. Создание архивов устной истории // Вестник архивиста. – М, 1991. - № 5. – С. 65-67.

турдаги манбаларнинг ишончлилиги масаласи, манбашунослик таҳлилининг босқичлари ва тартиблари масаласи ҳам очик қолмоқда<sup>1</sup>.

Оғзаки тарих методи асосида яратилган ҳужжатлар мемуар ҳужжатлар билан ўхшашлик жиҳатлари жуда кўп. Шу сабабдан мазкур турдаги манбалар ўзининг субъективлиги билан манбашунослик таҳлил қилиш методлари ишлаб чиқилмагунча оғзаки манбаларга нисбатан айрим тадқиқотчиларда ишончсизлик муносабати сақланиб қолмоқда. Қолаверса, оғзаки тарихнинг асосий дастаги сифатида овозли, кейинроқ эса видео ёзиб олиш бўлгач, фоно, кино ва видеоҳужжатлар атрофида янги манба турлари сифатида мунозаралар бошланиб кетди. Зеро, 1980 йилларгача аудиовизуал ҳужжатларга фақатгина иллюстратив материал сифатида қараларди<sup>2</sup>.

Бугунги кунда турли манбаларнинг аниқ шакллантирилган ва амалда синовдан ўтган манбашунослик таҳлил қилиш асослари яратилган. Аммо оғзаки тарих ҳужжатлари билан ишлашдаги асосий қийинчиликлар уларнинг тарихий манбалар классификация тизимида ўз ўрнига эга бўлмаганлигидадир. Ваҳоланки, оғзаки тарих ҳужжатлари тарихий манба турлари бўлган ашёвий, этнографик, лингвистик, оғзаки ва ёзма манбаларнинг барчасига мансуб бўлиши мумкин. Оғзаки тарих манбаси бир пайтнинг ўзида ҳам оғзаки (аудиовизуал), ҳам ёзма (стенограмма, транскрипт) ҳужжатни ифода этиши мумкин.

Манбаларнинг манбашунослик танқиди ҳужжатлар пайдо бўлишнинг тарихий шароитларни тиклаш, уларнинг шаклланиш сабаблари, муаллифларини аниқлаш муаммоларини эчиш, ҳужжатнинг матни, унинг мазмунини таҳлил қилиш, манбани изоҳлаш ва верификатсия қилиш (ҳақиқатлигини текшириш) кабиларни ўз ичига олади<sup>3</sup>. Оғзаки тарих ҳужжатларига нисбатан ушбу ҳолатларнинг айримларини қўлланилиши,

---

<sup>1</sup> Сабилов А.Т. Устная история (Oral History): от строикографических традиций комплексному источниковедению... – С. 61.

<sup>2</sup> Мокрова М.В. Устная история науки: от историографических традиций к комплексному источниковедению.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - М., 2004. С. 98.

<sup>3</sup> Данилевский И.Н., Кабанов В.В., Медушевская О.М., Румянцева М.Ф. Источниковедение: Теория. История. Метод. Источники российской истории: Учеб.пособ. - М., 1998. С. 127-141.

агар уларга тарихий манбалар сифатида қарайдиган бўлсак, долзарблигича қолади, бошқалари эса кескин баҳслашувга сабаб бўлади.

Оғзаки тарих тарихий тадқиқот йўналишларининг бир тури сифатида, оғзаки манбалардан фойдаланишга асосланади. Хорижда оғзаки манбалар тушунчаси тўғрисида турлича талқинлар мавжуд. Мисол учун, оила аъзолари, қўшнилар ёки ишдаги ҳамкасабалар орасидаги “ўтмиш вақтлар” тўғрисидаги норасмий гаплар сифатида баҳоланади. Ёки кимдир томонидан ўтмиш ва бугунги куннинг таассуротлари ҳақида гапириб бериши ёхуд муҳим маълумотларга эга бўлган инсонлардан ёзиб олинган интервьюлар<sup>1</sup> шулар жумласидандир.

Оғзаки тарих методининг манбаларига оғзаки тарзда тўпланган барча маълумотларни киритиш мумкин. Бугунги кунда оғзаки тарихнинг манбалари хусусида бир қарорга келинмаган ва шу сабабдан турли қарашлар мавжуд. Биринчи гуруҳ оғзаки анъаналарнинг барчасини дostonлар, ривоятлар, фольклор қўшиқлар, афсоналар, диний маросим қўшиқлари ва бошқалараларни оғзаки тарих манбаси сифатида талқин этса, иккинчи гуруҳ тарихий тадқиқот интервьюларигина оғзаки тарих манбаси бўлиши мумкин деб талқин этишади.

Бизнинг фикримизча, оғзаки тарих методи бир қатор фанлар тарих, социология, лингвистика, маданий антропология каби фанлар кесимидаги услуб бўлганлиги сабаб, мазкур методни қайси бир фан соҳасида қўлланилса ана шу асосда йиғилган маълумотлар унга манба бўлиб хизмат қилади. Мисол учун, этнолог оғзаки сўров асосида йиққан афсона ва ривоятлар ёки маълум бир одатларнинг маъно-моҳияти ҳақида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тарих ҳақидаги маълумотлар унинг учун манба бўлиши мумкин. Ҳудди шундай мисолларни социолог, антрополог ёки лингвистларга ҳам келтириш мумкин. Аммо тарихчи учун аниқ тарихий жараённинг аниқ иштирокчиси ёки маълум бир воқеа шохидининг берган маълумоти керак бўлади. Шу билан бирга бу маълумотлар интервью тарзда

---

<sup>1</sup> Қаранг: <http://historymatters.gmu.edu/mse/oral/what.html>

техник мосламаларга ёзиб олинган бўлиши шарт, фақат шундагина бу маълумотлар тадқиқотчи учун манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Алоҳида айтиш лозимки, тарихчи-тадқиқотчилар оғзаки манбаларнинг барча турлари билан ишлашни биладилар, бу оғзаки тарихий манбалар бўладими ёки фолклор-этнографикми (оғзаки анаъналар) ёхуд социологикми (биография ва социологик мониторинг материаллари) бунинг аҳамияти йўқ. Аммо профессионал сифатида тадқиқотчи оғзаки маълумотларни тайёр ҳолда қайд қилибгина қолмай, балки, ўзи ҳам мақсадга йўналган ҳолда ўзини қизиқтирган мавзулар, тадқиқот муаммолари юзасидан тарихий воқеа-ҳодиса иштирокчилари ёки гувоҳларига мурожат қилган ҳолда ўзининг манбавий асосларини яратиб бориши лозим. Шу жиҳатдан олиб қараганда оғзаки тарих тадқиқотчиси тўпланган маълумотлардан нафақат ўзи фойдаланади, балки, ўзидан кейинги тарихчилар фойдаланишлари учун оғзаки тарих манбалари архивини шакллантириши лозим бўлади.

Оғзаки тарихий манбаларнинг бошқа манбалардан фарқли жиҳатларидан бири бу маълумотларнинг ўзига хослиги ва субъективлигидир. Зеро, бирор бир маълумотни бераётган тарихий воқеа ёки жараённинг иштирокчиси ёхуд гувоҳи мазкур воқеаларга ўзининг шахсий қарашлари ёки тасавури сифатида баҳо беради. Қолаверса, оғзаки тарих ўтмиш ҳақида маълумот тўплашда инсон хотирасига асосланади, хотира эса ўз навбатида ўтмишни қайд этишнинг субъектив хусусияти бўлиб, у ўз ичига бошдан ўтган ҳодисаларни ва инсоннинг индивидуал руҳиятини давр талабидан келиб чиқиб, қайта баҳолашни олади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, оғзаки тарих бу ҳолда индивидуал тажриба ва таасуротларни ўтмишга, ўтмишнинг эса қандай қилиб келажакка бўладиган таъсирини аниқлаши мумкин<sup>1</sup>. Бунда бир қатор белгилар намоён бўлади, биринчидан, ўтмишни субъектив тарзда ёзиб

---

<sup>1</sup> What is Oral history? – Indiana: Indiana University Center for the Study of History and Memory. URL: <http://www.indiana.edu>.

олиш; иккинчидан, ўтмиш воқеаларни замонавий қайта баҳолаш ва талқин этиш. Мана шу жиҳатдан қараганда, оғзаки манбалар субъективлиги икки хиссага ошади, зеро, маълумотлар гувоҳларнинг шахсий ҳаёт тажрибалари ва ўша давр сиёсий-мафкураси таъсиридан холи эмас. Зеро бирор-бир воқеани унутган одам уни эслаши учун бошқа воқеалар билан қиёслашга ҳаракат қилади, натижада асл ҳақиқат ўз холислигини йўқотиб боради. Бу эса ўз навбатида оғзаки тарих методи асосида изланиш олиб бораётган тадқиқотчилардан ўта зийракликни ва чуқур таҳлилни талаб этади.

Оғзаки манбаларнинг шакллари масаласи бугунги кунгача энг мунозарали масалалардан ҳисобланади. Айрим муаллифлар оғзаки тарихий манба сифатида тарихий воқеа-ҳодиса иштирокчиси ёки гувоҳининг шахсий позитсияси, воқеаларга берган баҳоси, шахсий таасуротларини гапириши ва кўрсатиши акс этган аудио-видео тасмаларни асл манба, деб санайдилар. Шу сабабдан мазкур гоյ тарфдорлари манбаларга психологик таъсир бўлмаслиги учун тарихчи интервью олиш давомида фоно ёки видео материаллари билан ишлаши керак, оғзаки манбаларнинг матни-транскриптини эса керак эмас деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга улар транскрибация қилаётган одамни оғзаки нутқни ёзмага ўгириш жараёнида муаллифнинг оғзаки маълумотларга таъсир этишига қарши чиқадилар. Бошқа тадқиқотчилар транскриптлар, яъни оғзаки гувоҳликларнинг ёзма шаклларини ҳам манба ҳисоблаб, улар билан ишлашни маъқул кўрадилар. Бунга сабаб қилиб вақтни тежалиши ва оғзаки тарихий манбаларнинг сақланишини олишади. Зеро, ҳар қанча техника ютуқлари бўлмасин, аудио-видео тасмалар рақамлаштирилса ҳам нозик саналади. Шунинг учун унинг ёзма шаклини бўлиши мақсадга мувофиқ. Шу сабабдан тарихчилар транскрибация жараёнига катта талабларни қўйишади ва фақатгина ушбу талаблар бажарилгандагина мазкур ёзма манбаларни оғзакисига мослигини тан олишади. Айнан шунинг учун оғзаки тарих ҳужжатларининг замонавий шакли бу- инсон овозининг ёзиб олинганидир. Бу ҳужжат ўзида маълумотларни овозли ёки транскриптили шаклини мужассам этган бўлиши



лозим<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан оғзаки тарих манбасига С. Эверт куйидагича таъриф беради “Оғзаки тарих материали бу – аудио ва видео қайдлар, интервьюлар транскрипцияси, интервью давомида қилинган қайдлар, расмий овоз ёзувлари”дир<sup>2</sup>.

Оғзаки тарих манбаларининг ўзига хослиги шундаки, у икки хил маълумотларни ўзида сақлайди: далилий ва баҳоловчи. Оғзаки манбаларнинг далилларининг ҳаққонийлиги жиҳатидан тарихчилар ўртасида мунозаралар мавжуд бўлиб, уларнинг ишончсизлиги, репрезентативликни йўқлиги ва холис эмаслиги ҳақида фикрлар мавжуд. Дарҳақиқат гувоҳлар маълумот бераётганда тарихий воқеликни онгларида қандай муҳрланган бўлса шундайлигича берадилар. Бунда далилларни (сана, исмлар, хронологик давомийлик) янглиш бўлишини инобатга олиш лозим. Зеро, хотира ҳаммада бирдек бўлмайди. Қолаверса сиёсий ва ғоявий конъюнктураларнинг инсон онгига таъсири ҳам мавжуд. Шундай бўлса-да, сўров методи асосида олинган маълумотлар тадқиқотчи учун тарихга маълум бўлмаган янги ҳудуд, жой, жамиятни ўрганишда йўналиш берувчи таянч бўлиши мумкин. Бунда алоҳида айтиш лозимки, оғзаки тарих манбаларига қизиқиш ундаги далилларга эмас балки, далиллар ҳақида инсонларнинг гувоҳларнинг муносабатини билишдир.

Оғзаки манба ёзмасидан фарқли ўлароқ, тарихчидан чуқур қиёсий ва танқидий таҳлилни икки ҳисса кўп талаб этади. Чунки тадқиқотчига мавзу юзасидан маълумот бераётган “тирик манба” ўзининг характердан келиб чиқиб гапиради, қолаверса узоқ йилларни ўз ичига қамраб олган воқеаликни респондент ўзининг қисқа суҳбатида етказиб беришга уринади. Бу ўз навбатида маълумотчи томонидан исмлар, жой номлари, саналар ва бошқа маълумотларни хато етказишига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабдан тадқиқотчи бир мавзуда бир неча респондентлардан маълумот йиғиб, сўнг

---

<sup>1</sup> What is Oral history? // Ottawa: Canadian Oral History Association. URL: <http://www.ncf.carleton.ca/oral-history>

<sup>2</sup> Stephen E. Evertt. Oral history techniques and procedures // Center of Military History. United States Army. Washington, D.C., 1992. – P. 3.

тўпланган материалларни ўзаро ҳамда жамиятнинг тарихий хотираси шахс тарихий хотираси билан таққослаши лозим. Шундан сўнг ёзма манбалар билан солиштириб ўз хулосаларини баён этиши лозим.

Оғзаки тарих методи асосида йиғилган маълумотларнинг манбавий аҳамиятига тўхталадиган бўлсак, оғзаки тарих асосида тўпланган маълумотлар ёзма манбаларнинг саёз жойларини тўлдиришга хизмат қилиши билан намоён бўлади. Мисол учун совет даври тарихини оладиган бўлсак, бу давр тарихини ёритувчи кўплаб ҳужжатлар ва адабиётлар ўша давр мафқурасига асосланган бўлиб, бир ёқлама характерга эгадир. Расмий ҳужжатларда кўрсатилган “ижобий” рақамлар аслига тўғри келмаслиги бугун барчага аён бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида мазкур давр тарих саҳнасини объектив ўрганишга имкон бермайди. Мана шундай ҳолатда ўрганилаётган давр тарихини бевосита бошдан кечирган инсонлардан суҳбат асосида олинган маълумотлар мавжуд ёзма манбалар билан қиёсланиб маълумотлар тўлдирилади, натижада ўрганилаётган давр тарихини ҳар томонлама ҳолис ва тўлиқ ўрганиш имконига эга бўлиш мумкин.

Шу ўринда оғзаки материалларнинг манбавий аҳамиятига бир мисол келтирадиган бўлсам, ҳаммамизга маълумки миллий озошлик ҳаракати йетакчиларидан бири бўлган Шермуҳаммадбек кўрбоши таъқиб остида Афғонистон орқали Туркияга чиқиб кетади. У Туркияда бўлган даврида турк журналисти Али Бодомчи жуда кўп маротаба суҳбатлашиб, ўша давр тарихига оид жуда кўп маълумотларни ёзиб олган. Оғзаки олинган мазкур маълумотлар манба бўла олмайдами? Ваҳоланки, Шермуҳаммадбек кўрбоши фаолиятини мукамал ёритувчи бирон бир ёзма манба мавжуд эмас.

Оғзаки тарих методи асосида олинган манбаларнинг ишончлилиқ даражаси фикримизча, бошқа манбалардан жуда катта фарқ қилмайди. Зеро, ҳеч бир тарихчи бирор бир манбани юз фоиз ҳолис битилган деб қафолат бера олмайди. Қолаверса тарих маълум бир мафқура таъсиридан ҳимоя

килинадиган иммунитетга эга эмас. Ҳар бир битилган ёзма манба ўз даврининг маълум бир сиёсий-ижтимоий, маданий ёки диний таъсирга тушиши эҳтимоли жуда катта. Шундай экан, ҳар бир тарихий манбаларга ҳолис баҳо беришда унга қиёсий-танқидий таҳлил асосида ёндашиши керак, шундагина тадқиқотчи ўз олдига қўйган мақсадига эришиши мумкин.

Ушбу бобга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, оғзаки тарих тарихий фанларнинг янги тармоғи бўлмай, балки, янги манба турларини жалб қилиш методикасидир. Мазкур метод асосида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, тадқиқот ишларидаги ўрни ва тарихни ўрганишдаги манбавий аҳамияти жиҳатидан ҳозирга қадар тарихчилар орасида бир тўхтамга келинмаган. Шундай бўлсада, бугунги кунда оғзаки тарих методи асосида тўпланган маълумотлардан тарихнинг ўрганилмаган қирралари, шахс автобиографияси, кичик шаҳарлар тарихи, сиёсий тузумларнинг жамиятга ва шахсга таъсирини ўрганишда ҳамда тарихни бузиб кўрсатилган қисмларини тўғрилашда кенг фойдаланилмоқда.

Бугунги кунга қадар оғзаки тарих методи манбаларининг ишончлилиги масаласи марказий муаммолардан саналади. Кўпчилик профессионал тарихчилар мазкур турдаги манбаларни ҳаддан ташқари ҳиссиётга бой ва ўзига хос субъектив деб баҳолаб уларни мукамал тарихий манба бўла олмайди, деб ҳисобламоқдалар. Оғзаки тарих методини эса “чангютгич сингари маълумотларни таҳлил қилмасдан териб олишда”<sup>1</sup> айблашган. Бунга асос сифатида бир воқеада иштирок этган икки кишидан гувоҳлик олинса ҳам бир-биридан, ҳам ёзма манбалардан фарқ қиладиган турли маълумотларни олиш мумкинлигини кўрсатишади.

Оғзаки тарих тарафдорлари инсон хотирасини ишончсизлиги ва субъективлигини инкор этмаган ҳолда, қатъий назорат остида расмийлаштирилган анъанавий тарихий манбалар бўлмиш далолатномалар, баённомалар, ҳисоботлар, статистик маълумотлар ҳам нотўғри ва бузилган

---

<sup>1</sup> Tuchman B. Research in Contemporary Events for the Writing of History // Proceeding of the American Academy of Arts and Letters and the National Institute of Arts and Letters. № 22. - N.Y., 1972. – P. 62.

маълумотларни сақлаши мумкин. Шу боис тадқиқотчи қўлига келиб тушадиган кўпчилик ёзма манбалар ҳам оғзаки манбалардан субъективлиги жиҳатдан кам эмас<sup>1</sup>. Зеро, В. Ланглуа ва Ш. Сенобослар айтганларидек: “тарих ўз материалларининг хусусиятларига кўра қатъий субъектив илмдир”.

Оғзаки тарих услубида тўпланган маълумотлар ўз хусусиятига кўра гоҳ бирламчи, гоҳида эса иккиламчи манба бўлиб хизмат қилади. Бу ўз навбатида қатор омиллар билан изоҳланади. Жумладан, танланган мавзуга, тадқиқот йўналишига (автобиография, кичик шаҳарлар тарихи, социал тарих, сиёсий тарих ва х.к.), тадқиқот олиб борилаётган фан турига қараб ифодаланади. Шу билан бирга оғзаки манбалар анъанавий методларни илмий танқид қилишга ҳам хизмат қилиши мумкин. Айрим мавзуларда илмий-далилий ҳужжатларнинг этарли бўлмаслиги мумкин, мана шундай ҳолларда оғзаки манбалар бирламчи манбага айланиб, унинг манбавий аҳамияти сезиларли даражада ошади, сабаби оғзаки тарихнинг объекти инсон хотираси ҳисобланади. Ўз навбатида инсонлар хотираси яқин ўтмиш тарихини ўрганишда маълумотларга бой манба саналади<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Томпсон П. Голос прошлого. Устная история. - М., 2003. – С. 129.

<sup>2</sup> Luisa Passerini. Autobiography of Generation – Italy. – 1968. (Hannover, 1996) – P. 25.

### 3 БОБ. ОҒЗАКИ ТАРИХ МЕТОДИ АСОСИДА ТАДҚИҚОТ ОЛИБ БОРИШ

#### 3.1.Оғзаки тарих бўйича тадқиқотларнинг амалий босқичи

Оғзаки сўров олиб боришнинг тўпланган шахсий тажриба асосида суҳбат олиб борилди. Суҳбатдан мақсад: назарий билимларни амалда қўллаш, ўтмишнинг қайсидир “ёзилмаган” қисмини ўрганишда фойдаланиш. Педагогик жараёнда қўлланганда дарснинг таъсирчанлигини ошириб, хотирада яхши сақланиб қолишига эришилади. Болаларнинг тасаввурларини кенгайтириш ва Ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиларининг хотираларини ёзиб олиш кўпгина давлатлар тажрибаларида мавжуд. Қуйида ушбу давр тарихига оид аудио воситаларга ёзиб олинган, ижтимоий ҳолати турлича бўлган, ҳар ҳил касб билан шуғулланган шахсларнинг хотираларининг транскрибациясини баён қиламиз:

Уруш ва меҳнат фаҳрийси Орипжон Мўминов 1926-йилда туғилган. Фарғона вилояти Фарғона тумани Водил қишлоғи Пахтакор кўчаси 39-уйда яшайди, трактор хайдовчиси, Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фаҳрийси. Суҳбатда хотини Мўминова Махфиратхон иштирок этди. Суҳбат О.Мўминов уйида бир неча бор бўлиб ўтди. (интервьюни Ш.Ю.Охунжонова олиб борди, Б.Ю.Хайдаров ёзиб олди).

#### Интервью учун паспорт

| Респондент                          |   |
|-------------------------------------|---|
| Ф.И.Ш.                              | <i>Орипжон Мўминов.</i>   |
| Туғилган сана ва жой.               | <i>1926-йилда Водилда туғилган</i>  |
| Манзил ва боғланиш учун маълумотлар | <i>Фарғона вилояти Фарғона тумани Водил қишлоғи Пахтакор кўчаси 39-уйда яшайди,</i> |

|   |   |
|---|---|
| Мутахассислиги, лавозимлари<br>рўйхати  | <i>трактор хайдовчиси, иккинчи Жахон<br/>уруши қатнашчиси, меҳнат фаҳрийси.</i> |
| Интервьюни нашр этиш ва<br>оммалаштиришга респондент<br>розилигининг мавжудлиги                             | рози  |
| <b>Интервью тавсифи</b>   | Диссертацанинг амалий қисмига наъмуна<br>сифатида                               |
| Интервьюга кетган умумий<br>соатлар сони  | 6 соат  |
| Ёзиб олинган тасма тури   | аудио   |
| Қўшимча ҳужжатлар (матнлар,<br>расмлар, суратлар, газета /<br>журналларда чоп этилган<br>мақолалар ва ҳ.к.) | Уруш қахрамони сифатида табрикланган<br>Президент мактублари, газеталар.        |
| Интервью ўтказилган жой<br>(респондент уйи, махсус жой ва<br>ҳ.к.)  | Респондентнинг уйида  |
| Респондент билан ўтказилган<br>учрашувлар сони  | 4 мартаба   |
| Интервьюнинг асосий мазмун-<br>моҳияти<br>(мавулар рўйхати ва саволлар)                                     | Фронт ва фронт орти ҳаёт хотиралари   |
| Респондентнинг саволларга<br>тайёрлиги, интервью беришга<br>ҳозирлиги                                       | Респондентга суҳбатнинг аҳамияти<br>тушунтирилди                                |
| Интервью ўтказилган тил   | Ўзбек тили  |
| <b>Интервью ўтказган шахс<br/>хақида маълумотлар</b>  | Охунжонова Шаходат Юсубжон кизи<br>ФарДУ 2-курс магистранти                     |

Савол: Фронгда бошингиздан кечирганларингиз ҳақида батафсил гапириб берсангиз? (Дастлаб умумий савол берилиб, қандай саволлар берилиши мумкинлигини аниқлаб олинади).

*1943-йил декабр ойида кўрак чувилаётган пайтда урушга олиб кетилдим. Олмаотада запасной полкка тушдим. Мол ташийдиган юк вагонларда уч қават қилиб босиб олиб кетилганмиз. У ерда бир ой милтиқ ўқлаш, отишни ўргандим. Москвани ҳимоя қилиш учун бизни уч қатор қилиб қуролли девор қилиб қўйишди. Немислар буларни очликдан ўлдираман деб, Ленинград, Сталинград шаҳарларини вайрон қилиб, буғдойзорларга ўт қўйиб кетган эди. Очлик шундай аҳволга олиб келган эдики ёнган буғдойзорларнинг чала куйган бошоқларини тўплашар эди. Тўйиб овқат емасдик. Уч кунлаб овқат емай юрардик. Чет давлат ҳудудига ўтганимиздан кейингина аҳволимиз озгина яхшиланди. Учта давлат Чехословакия, Венгрия, Югословакия ҳудудини босиб ўтдик. У томонлар илиқроғ екан. Немисларни қувиб Берлинни олдик Гитлер капут деб қочишди...Уруш тугади. Лекин Япония СССРга уруш очди....*

*Жуков 1926-йилларга жавоб бермаймиз деб запасной полкда олиб қолди. Кейин 1927-28-йилларда тугилган аскарлар армияга борди. Шундан кейин бизга жавоб берди. Уйга 1950-йили майида етиб келдим. Олти ярим йил армияда юрдим.*

Савол: Фронт ортидаги ҳаёт қандай бўлган?

*Урушга кетгунимгача аҳвол жуда оғир эди. Ҳамма еркаклар урушга олиб кетилаётганлиги учун оғир ишларни аёллар, қариялар, болалар қилишарди. Қари чоллар ўтириб олиб буғдой, арпа, маккажўхори ўришарди, аёллар орқалаб таширди.. Болалар, аёллар ҳамма далада ишларди. Урушдагиларга ёрдамга деб уйимизда 17 қоп қўй жунни тўплаб берганмиз, аёллар пахтали камзул, тўн тикиб жўнатишарди. Тўртта тоғам,учта акам урушдан қайтиб келмади. Водилдаги Пешвозов кўчаси Москва остонасидаги жангда ўлган катта тоғамнинг номига қўйилган Мени*

*насибам ҳозирги кунларда яшашга қўшилган экан. Келиб колхозда 45 йил трактор ҳайдадим.*

Савол: иккинчи жаҳон уруши йилларида мактабларда аҳвол қандай эди?

*Мактабларда муаллимлар ҳам урушга кетганлиги учун дарслар бўлмас эди. Ҳамманинг ҳаёли тирикчилик ўтказиш, қорин тўқлаш эди. Болалар ҳаммаси далада меҳнат қиларди. 15-16 ёшдан бошlab болларни фронтга олиб кетилган.*

Суҳбат бир неча бор ёзиб олинди. Чунки суҳбатдошнинг ёши кекса бўлганлиги учун хотираларни эсга олиши қийин бўлди. Ҳар сафарги суҳбатда маълумотлар тўлдирилиб борди. Бу эса маълумотларни тўлиқроқ ўрганишда бир маротабалик суҳбатнинг ўзи етмаслигини исботлайди.

Марғилон шаҳар Водил кўчаси 2-уйда яшовчи Мўминов Баннопжон Юлдашевич 1932 йилда туғилган. Фронт ортидаги ҳаётни у вақтда ёш бўлган бўлсада хотирлайди.

Фронт ортидаги ҳаёт ҳақида гапириб беринг?

*Фронт ортидаги ҳаёт фронтдагидан енгил эмас эди. Ейиш ва ичишга озуқа топа олмай кўчаларда ўлиб қолган одамлар ҳам бўларди. Рўзгорда сотиш учун қўлга кирадиган ҳеч нарса йўқлиги учун онам янги ҳамир қиладиган мис тоғорани тэмир йўл вокзалига олиб чиқиб сотмоқчи бўлганида, опоқим ярим қоп бугдой билан поезддан тушиб келиб, тоғорани соттирмай қайтариб олиб келган эди. Мени ёшим армия ёшига етмаганлиги учун қари опоқимга сехда ёрдам берардим. Ўқиш, ёзишни яхши кўрардим, лекин ёзиш учун қоғоз ҳам қиммат эди. Шунинг учун чой ўраладиган қоғозлар бўлар эди, ана шундай қоғозларни ёзиш учун тўплаб юрардим. Опоқим Водилда мато тўқийдиган дастгоҳ бўлмаганлиги учун, у ерга дастгоҳини олиб бориб бўз тўқир эди. Дафн учун 5 метр бўзни тўқиб бўлишини навбатда кутиб туришар эди. Чунки очлик, касаллик туфайли ўлим ҳам кўпайиб кетган эдида. Ҳеч бир оила тўқис яшамаган, айниқса шаҳарда. Қишлоқларда эса экин-тикин қилиб очликдан қутилиши мумкин*



эди. Уруш даври, қийинчилик бунинг устига солиқ ҳам солинар эди. Хонадондаги экинлар, ҳайвонлар, паррандаларга ҳам солиқ солинар эди.

Марғилонда мато тўқийдиган цехларда 1кг унни катта қозонга солиб 50-60 та тўқувчига атала қилиб беришарди. Эрталабдан то қоронги тушгунча ишлашарди.

### Интервью паспорти

| Респондент   |  |
|--|--|
| Ф.И.Ш.   | Мўминов Баннопжон Юлдашевич                      |
| Туғилган сана ва жой.  | 1932-йилда туғилган                              |
| Манзил ва боғланиш учун маълумотлар  | Марғилон шаҳар Водил кўчаси 2-уйда яшайди.       |
| Маълумоти  | Ўрта махсус                                      |
| Мутахассислиги, лавозимлари рўйхати  | Атлас тўқувчи хунарманд                          |
| Интервьюни нашр этиш ва оммалаштиришга респондент розилигининг мавжудлиги                          | рози   |
| <b>Интервью тавсифи</b>  | Диссертацанинг амалий қисмига наъмуна сифатида   |
| Интервьюга кетган умумий соатлар сони  | 2 соат   |
| Ёзиб олинган тасма тури (аудио, видео)   | Аудио ёзув                                       |
| Қўшимча ҳужжатлар (матнлар, расмлар, суратлар, газета / журналларда чоп этилган мақолалар ва ҳ.к.) | Фронт ортидаги хизматлари учун берилган медаллар |

|   |  |
|---|--|
| Интервью ўтказилган жой<br>(респондент уйи, махсус жой ва<br>х.к.)    | Респондентнинг уйида   |
| Респондент билан ўтказилган<br>учрашувлар сони                        | 2 мартаба  |
| Интервьюнинг асосий мазмун-<br>моҳияти                                | Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Фронт<br>ортидаги ҳаёт                           |
| Респондентнинг саволларга<br>тайёрлиги, интервью беришга<br>ҳозирлиги | Респондентга суҳбатнинг аҳамияти<br>тушунтирилди                               |
| Интервью ўтказилган тил   | Ўзбек тили   |
| <b>Интервью ўтказган шахс<br/>ҳақида маълумотлар</b>                  | Охунжонова Шаҳодат Юсубжон қизи<br>ФарДУ 2-курс магистранти ва<br>Б.Ю.Хайдаров |

Фарғона шаҳар Хўжанд кўчаси 33-А 3-уйда яшовчи Аҳмадали  
Ғофуров 1927 йилда туғилган. Фронт ортидаги ҳаётнинг қандай оғир  
бўлганлигини А. Ғофуров яхши эслайди.

### Интервью паспорти

| Респондент                             |   |
|--|---|
| Ф.И.Ш.                                 | Аҳмадали Ғофуров                          |
| Туғилган сана ва жой.                  | 1927 йил 23-феврал                        |
| Манзил ва боғланиш учун<br>маълумотлар | Фарғона шаҳар Хўжанд кўчаси 33-А 3-<br>уй |
| Маълумоти                              | Фан доктори, профессор                    |
| Мутахассислиги, лавозимлари<br>рўйхати | Иқтисодчи                                 |

|  |   |
|--|---|
| Интервьюни нашр этиш ва оммалаштиришга респондент розилигининг мавжудлиги                          | рози  |
| <b>Интервью тавсифи</b>  | Диссертацанинг амалий қисмига наъмуна сифатида              |
| Интервьюга кетган умумий соатлар сони  | 3 соат  |
| Ёзиб олинган тасма тури (аудио, видео)   | аудио   |
| Қўшимча ҳужжатлар (матнлар, расмлар, суратлар, газета / журналларда чоп этилган мақолалар ва ҳ.к.) | Расмлар орали хотирага олинди.                              |
| Интервью ўтказилган жой (респондент уйи, махсус жой ва ҳ.к.)                                       | ФарДУ Ижтимоий, иқтисод факультети биносида                 |
| Респондент билан ўтказилган учрашувлар сони  | 3 маротаба  |
| Интервьюнинг асосий мазмун-моҳияти (мавзулар рўйхати ва саволлар)                                  | Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Фронт ортидаги ҳаёт           |
| Респондентнинг саволларга тайёрлиги, интервью беришга ҳозирлиги                                    | Респондентга суҳбатнинг аҳамияти тушунтирилди               |
| Интервью ўтказилган тил  | Ўзбек тили  |
| <b>Интервью ўтказган шахс ҳақида маълумотлар</b>   | Охунжонова Шаходат Юсубжон қизи<br>ФарДУ 2-курс магистранти |

Фронт ортидаги ҳаёт ҳақида гапириб берсангиз.

1941 йили 6-синфни тамомлаганимда уруш бошланди. 1941 йил 30 июнда мактаб директори уруш бошланганлигини эълон қилганида ҳамма йиғлаган. Барча еркак ўқитувчиларни урушга олиб кетишган. Фақатгина мактаб директори, бешариқлик Назир Аҳмедов қолди, кейинчалик у ҳам урушга сафарбар этилди.

Уруш келтирган фожеали воқеаларнинг жонли гувоҳиман. Одамларнинг урушга сафарбар этилиши натижасида хонадон ва маҳаллар ҳувиллаб қолди. Боқувчисиз қолганлар сони тобора кўпайиб борар эди. Айниқса нон етишмасди. Етиштирилган маҳсулотлар, гуруч, қуритилган мевалар фронтга жўнатилар эди. Шаҳар ва қишлоқларда «Забор карточкаси» жорий қилиниб, дўконлардан ёшига қараб 200-400 граммгача нон бериларди. Аммо нонга кунжара аралаштирилган, ранги тим қора, ёпишқоқ бўлиб, чайнаганда тишдан ажратиши ва ютиши жуда қийин эди. Яхшиямки қишлоқларда жўхори экилар эди. Айнан шу йилларда қизилча ҳам экила бошланиши бироз қорин тўқлашга ёрдам бўлди. Хонадонларда жўхори ундан қовоқ ва қизилча қўшиб нон ёпилар эди. Бу маҳаллий маҳсулот ҳукумат чиқараётган нонга нисбатан яхши эди.

Уруш бошлангандан кейин мактаблар ёпилди. Онам билан колхоз даласига чиқиб ишлардим. Далада хотин-қизлар, кексалар ва ёш болалар қолган. Бугдой ўраётганлар бошоқни уқалаб, бугдойини еб қорнини тўйгазиб ишлайверарди. 85 – 90 та одам ишлайдиган колхозда 2 кг жуварини тугиб кўча қилинарди. Катта қозонда қайнатиларди, косага қуйганда ичидан дони камдан-кам чиқиши мумкин эди.

Барча ишлар қўлда бажарилар эди. 1944 йили «Фронтвая бригада» ташкил этилганда , олдин ишчи, кейин ҳисобчи бўлиб меҳнат қилдим. Бригада иш вақти қуёш чиқиши ва ботиши билан белгиланарди.

Уруш кетаётган жойлардан кўчириб келинган кексалар ва ёш болаларни озиқ-овқат билан таъминлаш, хонадонларга жойлаштирилган эмигрантларга қараш колхоз ҳамда уй эгалари зиммасига тушган эди.

*Хонадонимизда яшаган эмигрантларга бобом озиқ-овқат, мева ва сабзавотлар бериб турарди. Улар менга рус ва немис тилини ўргатишарди. Тез орада иккала тилда ҳам гаплаша оладиган бўлдим.*

*1942-1943-йилларда аксарият хонадонларда озиқ-овқат етишимовчилиги кучайиб кетди. Одамлар очликдан кунжара истеъмол қилиб ўлганларини, марҳумларни кафансиз, уст боши билан, «ёрма» қабрларга кўмилганини кўрганман.*

*Ўша йиллари қишлоқларда касалхоналар йўқ, бори ҳам жиҳозланмаган бўларди, тиббий ёрдам жуда паст даражада эди. Турли касалликлар кенг тарқалган эди. Очлик оқибатида ҳовлисини сотувчилар кўп, лекин харидор топиш мушкул эди. Қашшоқлик одамларнинг кийиниши ва юриш туришида ҳам ўз ифодасини топган. Уст-бошлар асосан қўлда тикилган бўздан, поябзаллар ҳайвон терисидан ошланган чармдан эди. Бўздан кўрна ва кўрпача тикилган бўлиб, кўпроқ ямоқ солинган бўлар эди. Оддий ипдан тўқилган кўйлак ва пайпоқлар умуман кам эди. Ипак ва жузли газламалардан тикилган кийим кечаклар, пальто ва кастюмни айрим пулдорлар ва раҳбарларгина киярди. Қишлоқларда, жумладан бизнинг қишлоғимизда ҳам одамлар эрта баҳордан бошлаб ёппасига оёқ яланг юришган. Шу боис кўпчиликнинг товони ёрилиб кетарди.*

*Ўрганилаётган даврга оид маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш учун аҳолининг турли табақа вакиллари билан суҳбат олиб борилди. Ушбу йиғилган маълумотларни солиштириш орқали маълум бир хулосаларга келиш мумкин. Ижтимоий даражаси турлича бўлган ушбу шахслар ўша даврда ҳамманинг бошига аянчли кунлар келганлиги, ҳамманинг аҳволи бирдек оғир бўлганлиги, бой ҳам камбағал ҳам қорин тўқлаш, нон топишга қийналганлиги баён қилинади. Респондентларнинг умумий хулосалари шуки бу кунларга етиб келганларига шукроналар айтишмоқда. Зотан фашизмга қарши уруш қатнашчиларининг қилган меҳнатлари унутилмайди.*

### **3.2.Оғзаки тарих бўйича тадқиқотлар ўтказиш (шахсий тажриба асосида)**

Интервьюни бошлашдан олдин суҳбатдошнинг хаёти ёки хаётининг қайсидир даври хақида гапириб бериш сўралади. Интервьюни охиригача суҳбатдош учун қулай вазият яратиб бериш лозим. Камида икки соат вақт ажратишга келишиб олиш керак. Агар вақт етмаса, жавоб мужмал ва интервью олиш қисқа ва мувофақиятсиз бўлса интервью ўтказиш давомида суҳбатдош билан ҳоли қолишга ва чалғитувчи шовқинлар кам бўлишига аҳамият бериш керак. Халақит берувчи нарсаларнинг энг асосийлари бу кўнғироклар, ёш болалар ва бегоналарнинг тўсатдан ташрифи бўлиши мумкин.

Интервьюнинг натижаларига ўтказилиш жойи, фасл ва куннинг таъсири кучли эканлигини ёдда тутиш керак. Масалан: меҳнатқаш қишлоқ кишиси учун ёз ойлари интервью ўтказиш учун маъқул эмас, бундан ташқари у қуёш ботиб, дала боғдаги ишларини тугатмагунча суҳбат қуришга шошилмайди. Қишлоқ кишиси суҳбатни ўз уйида ўтказишни афзал кўради. Бу интервью олиш учун ҳам қулайлик туғдиради. Чунки инсонларнинг уй муҳити, шахсий буюмлари ва расмлари у хақида қўшимча тасаввурларни беради. Шаҳар аҳолиси эса суҳбатни уй шароитидан ташқарида ўтказишни афзал кўради. Баъзида бу одатий муҳитдан узилиб, ўтмишга шўнғишига ёрдам бўлади. Ҳар ҳолда эски фотографиялар ёки унинг биографиясига тегишли муҳим ҳужжатлар – маълумотномалар, ёрлиқлар, орден, медал ва ҳ.к кўрсатишни сўрашни унутмаслик керак. Бу доимо хотирлаш жараёнини яхшилайдди. Бошқа ҳеч қандай иложи қолмагандагина суҳбатни телефонда ҳам ўтказиш мумкин. Бу интервьюнинг жуда мураккаб тури бўлиб, агар респондент интервью олаётган шахсни кўрмасдан туриб рўй – ростини айтиб беришни ният қилган бўлсагина яхши чиқади.

**Интервьюни ёзиб олиш техникаси.** Интервьюни бошлашдан аввал синов учун суҳбат парчасини ёзиб олиш зарур. Бу одамларга техникадан кўрқинини енгишга ёрдам беради. Агар техник восита бўлмаса, вазифа қийинлашса, натижа бошқачароқ чиқиши мумкин бўлсада, интервьюдан воз кечишга уринмаслик лозим.

Агар суҳбат давомида суҳбатдошнинг сўзларини сўзма – сўз ёзиб олишга улгурмаса ёки интервью олаётган шахс хотирасига ишонмаётган бўлса асосан исмлар, саналар ва алоҳида калит сўзларни ёзиб олиши маъқул.

Бу ҳолда суҳбатдошни иложи борича диққат билан эшитиш ва уйга келибоқ есида қолган барча нарсани дарҳол ёзиб олиш керак. Одатда бундай ҳолларда суҳбатдошнинг олдига ёддан ёзиб олинганларни тўғрилигини текшириб олиш учун бир неча бор келиб кетиш фойдадан холи бўлмайди.

**Интервью давомида ўзини қандай тутиш керак?** Суҳбат давомида респондентга ҳурмат билан ёндашилаётганини кўрсатиш керак. Унинг олдига айнан белгиланган вақтда келиш ва яна бир бор нима билан шуғулланилаётганлигини ва бу интервью қандай муҳим аҳамиятга ега эканлигини тушунтириш керак.

Суҳбатдошнинг саволларига жавоб бериб интервьюни ёзиб олувчи ўзини қизиқтирган мавзуларни яна бир бор аниқлаб олиши керак. Баъзи суҳбатдошлар бошида саломатлик, об – ҳаво ҳақида гаплашгиси келади. Уларни шошилтирмаслик ва гапини бўлмаслик керак, бу ишонч муҳитини яратади. Психологик жиҳатдан суҳбатни корреспондент бошлаб ўзи ҳақидаги 2 – 3 оғиз сўз айгани маъқул. Бу ҳам суҳбатдош билан алоқа ўнатишни осонлаштиради. Ёзиб олувчи техникаларни яширмасдан, уни эътиборни тортмайдиган ҳолда ушлаб туриш керак. Корреспондент ўзи билан мавзуга оид фотосуратлар, ҳужжатлар олиб келган бўлса, буларни суҳбатдошига кўрсатиши агар суҳбатдошнинг ўзида бор бўлса кўрсатишни илтимос қилиш керак. Бу ҳам эслашга ёрдам беради ва ишонч муҳитини яхшилайти. Интервью берувчи шахс унга қизиқилаётганлигидан хурсанд

бўлади ҳамда дўстона ва ишончли суҳбат муҳотида батафсил ва яхшироқ жавоб олиш мумкин. Бу суҳбатдошнинг гапларини доим мақуллаш керак дегани эмас, ёзиб олиш учун муҳими у берадиган маълумотлар. Тарих фани доирасида оғзаки усулдан фойдаланилаётган бўлса, қарашлари қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар хил одамлар билан ишлашга тўғри келади, булар бир- бирига қарама қарши гуруҳга ҳам мансуб бўлиши ҳам мумкин. Интервью давомида корреспондент бирор бир ижтимоий гуруҳнинг тарафдори сифатида эмас, тарихий маълумотни изловчи сифатида гаудаланиши керак. Тарихий маълумотни эса фақат турли нуқтаи назарларни билиш орқалигина рўёбга чиқариш мумкин. Тарихий интервью суҳбатдошни қай даражада гапиртира олишга боғлиқ. Регламентни эса ҳикояни йўналтирувчи қисқа саволлар билан чеклаш керак бўлади.

Бир мавзунини чуқур ўргангандан кейингина иккинчисига ўтиш лозим. Суҳбатдошни олдиндан тузиб олинган саволларга кўп ҳам ишонмасдан тинглаб бориш керак, фақат диққат билан тинглагандагина интервью жараёнида яхши савол бериш мумкин. Бир нечта ноўрин савол эса, интервьюнинг бузиб қўйилишига олиб келиши мумкин. “Ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб берувчи саволлардан қочиш керак.

Интервьюда суҳбатдошнинг шахсий тажрибасидан келиб чиқиб гапиришига эришиш керак. У “умумий” гапларни гапирмасин конкрет маълумот мисолларни келтирсин. Масалан, интервью берувчи ўша вақтда ҳамма ёмон яшаган” деса, ундан конкрет мисоллар келтиришини сўраш лозим. У айтиб бераётганларини қайердан билганлигини сўраб олиш керак. Кейинчалик бу корреспондентга унинг ҳикояси қанчалик ишончлилигини аниқлашга ёрдам беради. Корреспондент судда тергов қилмаётганлигини унутмаслиги керак. Суҳбатдош ўзининг у ёки бу харақати тўғри ёки нотўғри бўлганлигини исботлаши шарт эмас ҳамда у фактларни нотўғри идрок этаётганлигини ҳам айтилмайди. Блокнотга аудиовосита ёзиб олиши мумкин бўлмаган жиҳатларни – суҳбатдошнинг гапириш услубини, хатти-харақатларини қайд этиб борилади. Бу интервьюнинг прихологик



томонларини очиб беришга ёрдам беради. Мувофаққиятли интервьюнинг асосий шarti суҳбатдошнинг ҳаёти қизиқарли бўлишидир.

Тўпланган оғзаки тарихнинг назарий маълумотларини амалда қўллаш учун бу соҳа бўйича малакали мутахасис – тадқиқотчиларни етиштириш лозим бўлади. Оғзаки тарихнинг Ўзбекистондаги истиқболлари айнан шу соҳа билан шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг фаолиятлари билан боғлиқдир. Чунки тадқиқот ишимизнинг хориж тажрибасини ўрганиш қисмидан маълум бўладикки, бу соҳанинг ривожини турли мунозаралар ўтказилиши<sup>1</sup>, ушбу усулнинг тадқиқот дастурларини тузиб чиқиб, тарғиб қилиниши<sup>2</sup>, оғзаки тарихнинг таълим соҳасидаги аҳамиятини кўриб чиқиб, оғзаки маълумотлар тарихий манбаларнинг асл табиатини тушунишга имкон беришини таъкидлашган<sup>3</sup>.

Олий ўқув юртиларида тарих соҳаси бўйича мутахасисларни тайёрлашда шу каби тадқиқот йўналишлари ҳақида ҳам батафсил маълумот беришда (тажрибада ФарДУ Тарих кафедрасида ўтказилган) турли таълим технологияларидан фойдаланиш яхши самара беради. Талабаларга мустақил таълим ва амалиёт топшириғи берилаётганда оғзаки тарих усулидан фойдаланган ҳолда манбаларни ўрганиш тавсия этилса, ёзма манбаларнинг асл табиатини тушунишлари осон бўлади. Чунки ҳар қандай манбага танқидий ёндашиш талаб этилади. Ёзма манбалар ҳам қайсидир давр руҳида ёзилган бўлиб, турли фикрлар қарама қаршиликларини кўриш мумкин. Манбаларни бир бирига солиштириш ва оғзаки сўровлар орқалигина ҳаққоний ўтмишни ёритиш имконига эга бўлиш мумкин.

Ушбу таълим технологиялари орқали ўқувчиларга оғзаки тарих бўйича маълумотлар бериб, уларнинг тушунчаларини аниқлаш мумкин:

---

<sup>1</sup> Terkel S., Vansina J., Tedlock D., Benison S., Harris A.K., Grele R.J. Envelopes of Sound. Six Practitioners Discuss the Method, Theory and Practice of Oral History and Oral Testimony. Chicago, 1975. 154 p.

<sup>2</sup> Доел Р. «Устная история» в историографии современной науки: опыт и проблемы // Вопросы истории естествознания и техники. 2000. № 4.

<sup>3</sup> Томпсон П. Голос прошлого. Устная история... – С. 194.

## Т- СХЕМА «оғзаки тарих» тарих фанлари методи сифатида

### Ютуғи

- Биринчидан, бошқа тарихий фанлар тармоқлари бўлмиш тарихий антропология, тарихий психология, тарихий герменевтика каби фанларга керакли материаллар тақдим этади;

- Иккинчидан, тарихий ҳодисаларда бевосита иштирок этган ва расмий манбаларда статистик бирликларни ташкил этадиган ҳатто айрим пайтлар умуман унутиладиган “кичик одамлар”нинг гувоҳликларини сақлаб қолиш имконини беради;

- Учинчидан, кадриятлар тизими ва маданий-семантик кодларни авлоддан-авлодга ўтказиб беришни таъминлайди.

### Камчилиги

- Ишончилиги масаласи марказий муаммолардан саналади.
- Кўпчилик профессионал тарихчилар мазкур турдаги манбаларни ҳаддан ташқари ҳиссиётга бой ва ўзига хос субъектив деб баҳолаб уларни мукамал тарихий манба бўла олмайди, деб ҳисобламоқдалар.
- Оғзаки тарих методини эса “чангютгич сингари маълумотларни таҳлил қилмасдан териб олишда” айблашган. Бунга асос сифатида бир воқеада иштирок этган икки кишидан гувоҳлик олинса ҳам бир-биридан, ҳам ёзма манбалардан фарқ қиладиган турли маълумотларни олиш мумкинлигини кўрсатишади.

## Оғзаки тарих методига SWOT – таҳлил

### SWOT – таҳлили

S - Strengths кучли томони

W-Weakness кучсиз томони

O- Opportunities имкониятлари

T- Threats хавф-хатар

|          |                     |  |
|----------|---------------------|--|
| <b>S</b> | <b>Кучли томони</b> | <ul style="list-style-type: none"><li>— ёзма манбалар асосида тўпланган маълумотларни тўлдириш ҳамда ўрганилаётган мавзуга танқидий баҳо бера олиш хусусияти билан самарадор</li><li>— барча ёзма манбаларнинг ишончлилик даражасининг юқори эмаслиги уларни оғзаки тарих услуби ёрдамида тўпланган манбалар билан қиёсий таҳлил қилиш</li></ul> |
| <b>W</b> | <b>Ожиз томони</b>  | <ul style="list-style-type: none"><li>— Ба`зи тарихчилар бу методга танқидий қарайди, яъни фақат хужжатларга ишонадилар</li></ul>  |
| <b>O</b> | <b>Имкониятлари</b> | <ul style="list-style-type: none"><li>— тарих тўғрисида қўшимча тасаввурларни шакллантириш,</li><li>— ўтмишдаги воқеа-ҳодисалар ва уларнинг ишончлилик даражасини чуқур тушуниш учун қўшимча имконият бериши</li></ul>   |
| <b>T</b> | <b>Хавфлар</b>      | <ul style="list-style-type: none"><li>— Кўп вақт йўқотиш мумкин;</li><li>— суҳбат давомида ёлғон гувоҳликлар қўшилиб қолиши мумкин;</li></ul>  |


SWOT – таҳлили жадвалидан фойдаланиш жараёнида талаба мавжуд ҳолатни таҳлил қилади ва баҳолайди. Таҳлил ва синтез қилиш йўли билан бирор мантиқий қарор қабул қилишга ўрганади.

## «ФСМУ» технологиясига кўра оғзаки тарих масаласи

«Тарих дарсларида оғзаки тарих материалларидан фойдаланишни оммалаштириш керакми?» деган савол муҳокамага қўйилади.

|          |                               |   |
|----------|-------------------------------|---|
| <b>Ф</b> | <b>Фикрингизни баён этинг</b> | Тарих дарсларида оғзаки усул орқали ёзиб олинган маълумотлардан фойдаланиш керак  |
| <b>С</b> | <b>Қарорнинг сабаби</b>       | Дарснинг жонли чиқишига хизмат қилади, дарснинг таъсирчанлигини оширади, ноанъанавий дарс тури ҳисобланиб, хотирада яхши сақланади. |
| <b>М</b> | <b>Мисол</b>                  | Кўпдан-кўп талабалар тарих фанларини ўқитишда ҳаётий мисоллар билан боғлашади.  |
| <b>У</b> | <b>Хулоса</b>                 | Оғзаки йиғилган маълумотлар орқали авлодлар ўртасидаги бой тажрибадан фойдаланиш имкони мавжуд. Шу сабабли уни ташкил этиш зарур.   |

**Венн диаграммаси орқали турли мавзулардаги ёзма манба ва оғзаки тарих маълумотларини таққослаш мумкин.**



## ХУЛОСА

Оғзаки тарихга оид тадқиқотлар, илмий нашрлар ва адабиётларни ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда умумлаштириш натижаси асосида, оғзаки тарих методининг назарий ва амалий масалаларида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Оғзаки тарих (Oral history) – XX аср ўрталаридан бошлаб шаклланиб келаётган янги тадқиқот усулларида бири бўлиб, у Сигурд Шмидтнинг таъкидлашича: “бирор бир ҳодисани қатнашчиси ёки гувоҳининг оғзаки берган маълумотларини мутахассислар томонидан қайд этилишининг илмий ташкилий амалиётидир”. Яъни бирор бир тарихий жараённинг бевосита иштирокчисининг оғзаки баённи мутахассис томонидан илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, маълум кўринишга олиб келиши демакдир.

Оғзаки тарих методидан жаҳоннинг кўплаб мамлакатларининг тарихчи-тадқиқотчилари самарали фойдаланиб келаётган бўлсалар-да, мазкур услубни барча тарихчилар бирдек қабул қилганлари йўқ. Бунга улар турли хил сабабларни келтирадилар.

Жумладан, бирор бир воқеликни унутган одам уни эслаши учун бошқа воқеалар билан қиёслашга ва шу орқали эслашга ҳаракат қилади, натижада асл ҳақиқат холислигини йўқотиб боради. Бу ўз навбатида олинган маълумотни ишончлилигини пасайтириб юборади.

Иккинчидан, мазкур услуб билан фақатгина маълум бир давр тарихини ўрганиш мумкин.

Учинчидан, тадқиқотчи “тирик манба” яъни инсон билан бевосита ишлаганлиги боис, психология фанидан хабардор бўлиши, техника воситаларини ишлата билиши керак.

Тўртинчидан, оғзаки тарих услуби орқали тўпланган манбаларнинг аҳамияти қанчалик даражада деган савол юзага келади, зеро, кўпчилик тарихчилар Сарбоналик олимлар Ланглуа ва Шарл Сейнобанинг “тарихчи ҳужжат билан ишлайди. Ҳужжатни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди, ҳужжат йўқ – тарих йўқ”, деган таъкидларини ўзларига шиор қилиб

олганлар. Албатта бу фикрга қисман қўшилиш мумкин, чунки ҳужжат ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Аммо ҳужжат бўлмаса ҳам тарих инсонлар хотирасида бўлади. Хоҳ ижобий, хоҳ салбий кўринишда бўлишидан қатъи назар, тарих авлоддан-авлодга оғзаки шаклда ўтиб бораверади.

Оғзаки гувоҳликлар асосида йиғилган маълумотларни тарихни ёзишда қўллаш қадимги ва ўрта асрларга бориб тақалса-да, унинг мустақил йўналиш ва манбаларни йиғиш ҳамда сақлаш технологияси сифатида АҚШ ва Ғарбий Европада Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг юзага келди. Америкалик Д. Дунавей АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида оғзаки тарихнинг шаклланиш ва ривожланишини тўрт босқичга бўлади:

- биринчи босқич, XX асрнинг 50-60-йилларига тўғри келиб, у кўзга кўринган давлат ва жамоат арбобларининг биографиясини тузиш мақсадида оғзаки маълумотларни тўплаш билан характерланади;

- иккинчи босқич, XX асрнинг 60-70-йиллар ўрталарини ўз ичига олиб, бу даврда муқобил тарихни ҳамда ёзувга эга бўлмаган халқларнинг тарихини яратиш, жамиятнинг қуйи қатламларини тадқиқ қилиш кенг ўрин олади;

- учинчи босқич, XX асрнинг 70-йилларининг ўрталари – 90-йилларнинг бошларига тўғри келиб, айти шу пайт оғзаки тарих янги йўналиш сифатида юзага чиқади;

- тўртинчи босқич, XX асрнинг 90-йилларидан бошланиб то бугунги кунгача давом этиб келмоқда ва у техника воситаларининг рақамли инқилоби билан бевосита боғлиқдир.

Оғзаки тарих муҳим тарихий маълумотларни олиш усули сифатида кўпчилик томонидан тан олинмишига қарамай, ҳозиргача ушбу метод устида тадқиқот олиб бораётган тарихчилар ичида оғзаки тарихга оид манбаларнинг тарихий тадқиқотчилик ишларида қанчалик аҳамиятга эга эканлиги юзасидан бир қарорга келинмаган. Шу билан бирга мазкур турдаги манбаларнинг ишончилиги масаласи, манбашунослик таҳлилининг босқичлари ва тартиблари масаласи ҳам очиқ қолмоқда.

Оғзаки тарих методининг манбаларига оғзаки тарзда тўпланган барча маълумотларни киритиш мумкин. Бугунги кунда оғзаки тарихнинг манбалари хусусида бир қарорга келинмаган ва шу сабабдан турли қарашлар мавжуд. Биринчи гуруҳ оғзаки анъаналарнинг барчасини дostonлар, ривоятлар, халқ оғзаки ижодиёти, афсоналар, диний маросим кўшиқлари ва бошқалараларни оғзаки тарих манбаси сифатида талқин этса, иккинчи гуруҳ тарихий тадқиқот интервьюларигина оғзаки тарих манбаси бўлиши мумкин деб талқин этишади.

Фикримизча, оғзаки тарих методи бир қатор фанлар тарих, социология, лингвистика, маданий антропология каби фанлар кесимидаги услуб бўлганлиги сабаб, мазкур методни қайси фан соҳасида қўлланилса ана шу асосда йиғилган маълумотлар унга манба бўлиб хизмат қилади. Мисол учун этнолог оғзаки сўров асосида йиғган афсона ва ривоятлар ёки маълум бир одатларнинг маъно-моҳияти ҳақида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тарихи ҳақидаги маълумотлар унинг учун манба бўлиши мумкин. Худди шундай мисолларни сотсиолог, антраполог ёки лингвистларга ҳам келтириш мумкин. Аммо тарихчи учун аниқ тарихий жараённинг аниқ иштирокчиси ёки шохидининг берган маълумоти керак бўлади. Шу билан бирга бу маълумотлар интервью тарзда техник мосламаларга ёзиб олинган бўлиши шарт, фақат шундагина бу маълумотлар тадқиқотчи тарихчи учун манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Оғзаки тарих методига доир тадқиқотларнинг хронологик доираси XX аср ўрталаридан то бугунги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу ўз навбатида XX аср ўрталарида АҚШда кейинроқ эса бошқа мамлакатларда оғзаки тарих соҳасида олиб борилган тадқиқотлар билан изоҳланади.

Оғзаки тарихнинг назарий ва амалий жиҳатларини хориж тарихшунослигида даврлаштириш ва характеристикасини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. 1948-60 – йилларнинг боши – янги метод ва унинг атамашунослигига оид ишларнинг чоп этирилиши; оғзаки тарихий хотира

ва гувоҳликларни жўшқинлик билан ёзиб олина бошланиши, уларда кўйидаги йўналишлар алоҳида кўзга ташланади: сиёсий биографиялар, ижтимоий тарих, ёзувга эга бўлмаган жамиятларнинг тарихини “тўқиш”.

2. 60-йилларнинг охири – 70-йилларнинг ўрталари “янги журналистика”нинг, тарихшуносликда “ўта сўл”, феминистик ва “рангли” йўналишларнинг пайдо бўлиши, “колониал тарихнинг” инқирози, жамиятнинг турли қатламларидан олинган интервьюларни нашр этиш орқали ижтимоий тарихни янгилашиши.

3. 70-йилларнинг охири – 90-йилларнинг боши фан сифатида шаклланиши, оғзаки тарихнинг келиб чиқиши ва методологиясига доир мунозаралар, интервью олиш жиҳатлари, этик ва ҳуқуқий муамолари, “оғзаки архивларни” ташкил этиш методологияси ва бошқалар.

Оғзаки тарих методининг асосини тарихий воқеа ҳодисани бевосита гувоҳи бўлган шахслардан олинган интервьюлар ташкил этади. Ўз навбатида, интервьюни мукамал амалга ошириш учун тадқиқотчи бу борада маълум кўникма ва билимларга эга бўлиши зарур.

Оғзаки тарих асосидаги тарихий-тадқиқот иши тўпланган оғзаки манбалални архивлаш билан яқунланади. Бугунги кунда тарихий манбаларни йиғиш, архив материаллари фондларини шакллантириш ва сақлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шу сабабдан хорижий мамлакатларда мазкур турдаги манбаларни архивлашнинг метод ва тамойилларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Ўзбекистонда эса оғзаки тарих методининг ҳозирча оммалашмаганлиги боис оғзаки манбаларни сақлашнинг аниқ тамойиллари ишлаб чиқилмаган. Келажакда мазкур методнинг оммалашуви ҳамда тадқиқотлар сонининг ортиб бориши, оғзаки архивларни ташкил этиш ва юритишнинг аниқ белгиланган тамойилларини ишлаб чиқилишига олиб келиши муқаррар.

Хорижий мамлакатлар билан илмий-тадқиқотчилик соҳаларида тажриба алмашиб келаётган Ўзбекистонда оғзаки тарих услубининг назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилаётганлигига хали кўп вақт бўлмаган бўлсада,



салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида мамлакатимизда келажакда оғзаки тарих услуби асосида қатор тарихий тадқиқотлар олиб борилиши мумкинлигини билдиради.

## Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

### I. Рахбарий адабиётлар:

- 1.1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: «Шарқ», 1998.
- 1.2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
- 1.3. Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили – Буюк келажакимизнинг гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
- 1.4. Мирзиёев. Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا киришиш тантанали маросимиغا бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / - Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016. Б-22.

### II. Манбалар

- 2.1. Баттимер А. Пут в географию / Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1990.
- 2.2. Геродот. История. В 9 кн.- М.: ООО «Издательство АСТ»; «Ладомир», 2002.
- 2.3. Записка В.Д. Дувакина «О моей работе на кафедре Научной информатсии МГУ» / Предисловие: Тейдер В.Ф. II Археографический ежегодник за 1989 год. – М.: Наука, 1990.
- 2.4. Репрессированная наука / Под общ. ред. М.Г. Ярошевского. – Л.: Наука, 1991.
- 2.5. Томпсон П. Голос прошлого. Устная история / Пер. с англ. – М.: «Вес Мир», 2003.
- 2.6. Фукидид. История. – М.: Ладомир; ООО «Фирма «Изд-во АСТ», 1999.
- 2.7. Щеглова Т.К. Устная история (учебное пособие). – Барнаул, 2010.
- 2.8. Moss W. Oral History: An Appreciation // Oral History: an interdisciplinary anthology, 1996.
- 2.9. Nevins A. Grover Cleveland: A Study in Courage. – NY: Dodd? Mead&Company, 1932.
- 2.10. Nevins A. The Gateway to History. – NY: D. Appleton-Century, 1938.

- 2.11. Terkel S., Vansina J., Tedlock D., Benison S., Harris A.K., Grele R.J. Envelopes of Sound. Six Practitioners Discuss the Method, Theory and Practice of Oral History and Oral Testimony. Chicago, 1975.
- 2.12. Thompson P. The Voice of the Past. N.Y.: Oxford University Press, 1988.

### **III. Адабиётлар**

- 3.1. Валкова О.А., Каримов А.Е. Российско-американский мастер-класс по «устной истории науки» // Вопросы истории естествознания и техники. 2000. №2.
- 3.2. Доел Р. «Устная история» в историографии современной науки: опыт и проблемы // Вопросы истории естествознания и техники. 2000, № 4.
- 3.3. Зияев Х. Участники восстания 1916 года в Ферганской долине. – Т., 1979.
- 3.4. Исакова М. К вопросу архивирования материалов устной истории // Устная история в Узбекистане: теория и практика. Сборник статей, Вып. II. – Т., 2011.
- 3.5. Калонов К., Ашурова Д. Оғзаки тарих ва унинг социал аҳамияти // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2011.
- 3.6. Калонов К. Социал маконда “Оғзаки тарих” усулидан фойдаланишнинг аҳамияти // Ўзбекистон Тарихи. 3-4 сон. – Т., 2012.
- 3.7. Лоскутова М.В. Устная история: метод, рекомендация по проведению исследования. – СПб., 2002.
- 3.8. Раҳматиллаев Ҳ Фарғона водийси аҳолисининг этнодинамикаси (XIX аср охири – XX аср ). – Т : Янги нашр, 2013. 115 Бет .
- 3.9. Ражабов Қ. Ўзбекистонда шаҳарлар ва туманлар тарихи: муаммонинг методологик жихатлари // Тарихшунослик ўқишлари – 2010. Конференсия материаллари. – Т., 2011.
- 3.10. Рожанский М.Я. «Устная история» – философия памяти // ОНУ. 1990. № 6.

- 3.11. Сабилов А. Музей кўргазма воситаларини жонли идрок этишда “орал хисторий” ва бошқалара тарихий тадқиқот услубларининг ахамияти (Ўзбекистон Республикаси ФА Қатағон қурбонлари хотираси музейи тажрибасида) // Тарих ва ўзликни англаш : Ўзбекистон ва Германия: 1919, 1929, 1939, 1949, 1979, 1989, 2009. – Т.: ФАН, 2009.
- 3.12. Сабилов А. Устная история (Орал хисторий) как источник и метод исторического исследования. // Устная история в Узбекистане: теория и практика // Сборник статей. Вып. И. – Т., 2011.
- 3.13. Сабилов А.Т. Устная история (Орал Ҳисторий): от историографических традиций комплексному источниковедению // Тарихшунослик ўқишлари – 2010. Конференция материаллари тўплами. – Т.: Янги нашр. 2011.
- 3.14. Устная история в Узбекистане: теория и практика. Сборник статей. Вып. И. – Т., 2011.
- 3.15. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепсияси. Лойиҳа // Ўзбекистон тарихи. 1991. №1.
- 3.16. Хубова Д.Н. «Устная история» и источниковедение: «В поисках утраченного времени» // Мир источниковедения: Сборник в честь Сигурда Оттовича Шмидта. – М.: РГГУ; Пенза, 1994.
- 3.17. Шукурзода М. Америкалик ўзбеклар. – Т.: Фан, 2007.
- 3.18. Sabirov A. Oral History and how youth and adults learn from the past // Closing the books or keeping them open? – Bonn, 2011.

#### **IV. Диссертация ва авторефератлар**

- 4.1. Мокрова М.В. Устная история науки: от историографических традиций к комплексному источниковедению.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – М., 2004.
- 4.2. Хубова Д.Н. Устная история и архивы: зарубежные концепции и опыт.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – М., 1992.

**V. Оғзаки тарихга оид кутубхоналар, архивлар ва музейларнинг  
электрон мазили:**

1. <http://historymatters.gmu.edu/mse/oral/what.html>
2. What is Oral history? – Indiana: Indiana University Center for the Study of History and Memory. URL: <http://www.indiana.edu>
3. What is Oral history? // Ottawa: Canadian Oral History Association. URL: <http://www.ncf.carleton.ca/oral-history>
4. [The Bancroft Library - University of California, Berkeley](#)
5. [Regional Oral History Office](#)
6. [Tips for Interviewers](#)
7. [One-Minute Guide to Oral History](#)
8. [Baylor University Institute for Oral History: Oral History Workshop on the Web](#)
9. [British Library Oral History: National Life Stories](#)
10. [California State Archives - California State Government Oral Histories](#)
11. [Center for Oral History, University of Hawaii at Manoa](#)
12. [Center for the Study of History and Memory at Indiana University](#)
13. [CIMS Oral History Page](#) An extensive list of links to oral history repositories from the Centre for Immigration and Multicultural Studies, Australian National University.
14. [Center for Iranian Jewish Oral History](#)
15. [East Midlands Oral History Archive](#)
16. [Ellis Island Oral History Project](#)
17. [Kentucky Oral History Commission Guide to Kentucky Oral History Collections](#)
18. [National Archives of South Africa](#)
19. [National Automated Archival Information Retrieval System \(NAAIRS\)](#)
20. [Select and Search A NAAIRS Database](#)
21. [Database: National Register of Oral Sources \(NAROS\)](#)

22. [Navy Oral History Collection](#)  
A Collection of Veterans and Families Stories Biographies Documents and Photographs.
23. [Oral History](#) ~ Georgia  
Held by the Statesboro Regional Library System.
24. [Oral History and Folklore of the Miami Valley, Ohio](#)  
From the Miami Valley Cultural Heritage Project.
25. [Oral History Collection](#)  
At the Royal Naval Museum, Portsmouth, england.
26. [Oral History Collections at the Reuther Library](#)  
Wayne State University, Detroit, Michigan.
27. [The Oral History Program, University of Alaska Fairbanks](#)
28. [Pacific Lutheran University - Robert A. L. Mortvedt Library](#) ~ Tacoma, Washington [Archives and Special Collections](#)
29. [Scandinavian Immigrant experience Collection](#)
30. [http://www.gumer.info/bibliotek\\_Buks/Sociolog/gidd/21.php](http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Sociolog/gidd/21.php)  
A depository of historical materials relating to immigrants to the Pacific Northwest from Denmark, Finland, Iceland, Norway and Sweden. Closely tied to the Regional Archives of the evangelical Lutheran Church of America.

**Сухбат ёзиб олинган респондентлар рўйхати:**

1. Аҳмадали Ғофуров, 1927-йилда туғилган, Фарғона шаҳар Хўжанд кўчаси 33-А 3-уйда яшайди (Сухбатни Ш.Ю.Охунжонова ёзиб олган).
2. Мўминов Орипжон, 1926 йил туғилган, Фарғона тумани, Пахтакор кўчаси 39-уйда яшайди (Сухбатни Ш.Ю.Охунжонова ёзиб олган).

3. Мўминов Баннопжон Юлдашевич, 1932-йилда тугилган. Марғилон шаҳар, Водил кўчаси 2-уйда яшайди. (Сухбатни Б.Ю.Хайдаров ва Ш.Ю.Охунжонова ёзиб олган).
4. Ким Владимир Григоревич, 1952 йил туғилган, миллати корейс, Фарғона шаҳри, Бобур кўчаси 50-А уйда яшайди (Сухбатни Б.Ю.Хайдаров ёзиб олган).

## Интервью учун паспорт

| <b>Респондент</b>   |  |
|---|--|
| Ф.И.Ш.  |  |
| Туғилган сана ва жой.   |  |
| Манзил ва боғланиш учун<br>маълумотлар  |  |
| Маълумоти   |  |
| Мутахассислиги, лавозимлари<br>рўйхати  |  |
| Интервьюни нашр этиш ва<br>оммалаштиришга респондент<br>розилигининг мавжудлиги                             |  |
| <b>Интервью тавсифи</b>   |  |
| Интервьюга кетган умумий<br>соатлар сони  |  |
| Ёзиб олинган тасма тури (аудио,<br>видео)   |  |
| Қўшимча ҳужжатлар (матнлар,<br>расмлар, суратлар, газета /<br>журналларда чоп этилган<br>мақолалар ва ҳ.к.) |  |
| Интервью ўтказилган жой<br>(респондент уйи, махсус жой ва<br>ҳ.к.)  |  |
| Респондент билан ўтказилган<br>учрашувлар сони  |  |
| Интервьюнинг асосий мазмун-<br>моҳияти<br>(мавзулар рўйхати ва саволлар)                                    |  |
| Респондентнинг саволларга<br>тайёрлиги, интервью беришга<br>ҳозирлиги                                       |  |
| Интервью ўтказилган тил   |  |
| <b>Интервью ўтказган шахс<br/>ҳақида маълумотлар</b>  |  |



